

Наука и жизнь Узбекистана

*2020 – Илм-маърифат  
ва рақамли иқтисодиётни  
ривожлантириш йили*

*Ҳаётимизни  
ўзгартириб юборган  
технологиялар*

СУПЕРКОМПЬЮТЕРЫ  
И ЦЕНТРЫ  
БОЛЬШИХ ДАННЫХ

**COVID-19**

*табиий мутациялар  
ҳосилими ёки сунъий  
яратилганми?*



NEOWISE - 2020

*Искусственный  
Интеллект  
и нейронные сети*

*2020 йилнинг 12 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан барпо этилган Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси ишга туширилди. Жаҳон стандартлари талабларига мос равишда барпо этилган ушбу бинода маъмурий хоналардан ташқари кўргазмалар зали, амфитеатр, ёш изобретчилар хонаси, ахборот бўлими, электрон кутубхона, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш маркази, робототехника, компьютер дастурлари лабораториялари ҳамда интеллектуал дастурий тизимлар ва стартаплар маркази жойлашган.*



*12 июня 2020 года состоялась церемония открытия нового здания Министерства инновационного развития, построенного по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева. Помимо административных офисов, в этом оснащенном в соответствии с мировыми стандартами здании располагаются выставочный зал, амфитеатр, кабинет молодых изобретателей, информационный отдел, электронная библиотека научно-технической литературы, лаборатории робототехники, программных систем, центры по внедрению инновационных разработок и стартапов.*

*2020 – Илм, маърифат ва рақамли  
иктисодийтни ривожлантириш йили*

*Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.*

*Шавкат Мирзиёев  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



*2020 – Год развития науки, просвещения  
и цифровой экономики*

*В целях устойчивого развития мы должны глубоко освоить цифровые знания и информационные технологии. Это даст нам возможность идти по самому короткому пути к достижению всестороннего прогресса. В современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах.*

*Шавкат Мирзиёев  
Президент Республики Узбекистан*

# БУ СОНДА

4 **Ҳаётимизни ўзгартириб юборган технологиялар**

8 **COVID-19 табиий мутациялар хосилими ёки сунъий яратилганми?**  
Иброҳим Абдурахмонов, Венера Камбурова

11 **«Коронавирус билан яшашни ўрганамиз...»**  
Меҳмет Ченгиз Оз



12 **Тезкор ўқиб олинadиган QR-коди нима ўзи?**  
Игорь Ибрагимов

28 **Тарихий фильмлар яратиш йўлида**  
Шухрат Ризаев

30 **Фронда ўзбек тилида чоп этилган газеталар**  
Рустамбек Шамсутдинов

37 **Аллома**  
Шухрат Эгамбердиев

42 **Ҳалоллик вакцинаси**




43 **Амир Темур қачон таваллуд топган**  
Собит Илёсов


44 **Мўкки → маҳси → мокасин**  
Зухриддин Исомиддинов

47 **Сир-синаотларга бой Пўлатхон**  
Зафар Ҳусанов

60 **Куёшнинг ҳалқасимон тугилиши**  
Азизбек Матеков, Нуржамол Бердалиева

64 **Ўзбекистон америкалик юрист нигоҳида: 50-йиллар**  
Шухрат Эгамбердиев





## 13 Код быстрого отклика

Игорь Ибрагимов

## 15 Искусственный интеллект и нейронные сети

Алина Халикова

## 18 Суперкомпьютеры и Центры больших данных


Кодир Гулямов

## 22 Проект «Закона о бесконечных рубежах» или законопроект США: «Опережай Китай!»

Нина Карачик

## 23 Выращенные органы – будущее трансплантологии

Нина Карачик



## 24 Экономика как наука о поведении людей

Кодир Гулямов

## 32 Собрат военных городов-героев


Борис Голендер

## 50 Загадки Гёбекли-тепе – «турецкого Стоунхенджа»

Геннадий Богомолов

## 54 Сумка богов, амулет или обыкновенная гиря?

Геннадий Богомолов



## 57 Живородящие рыбы

Эрнест Хуршут

## 61 Добро пожаловать, комета!

Юсуф Тиллаев

## 68 Узбекистан 1950-х глазами американского юриста

Шухрат Эгамбердиев




## ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*XXI асрнинг учинчи ўн йиллиги бўсағасида «Scientific American» каби журналлар тахририятлари ва турли агентликлар етакчи иқтисодчилар, тадбиркор ва олимларга мурожаат қилиб, ҳозирги ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган энг муҳим 10 та технологияни санаб беришни сўрашган. Бунда қуйидагича меъёрлар қўйилган: ушбу инновациялар иқтисодиёт ва жамиятга қанчалик наф келтиради? Улар ҳали ривожланишнинг эрта босқичларида бўла туриб, тадқиқотчи ёки инвесторларнинг катта қизиқишига сазовор бўлдими? Яқин бир неча йилда улар сезиларли тараққиётни таъминлаб бера оладими?*

**Т**урли мутахассислар назаридаги ана шундай технологияларга бир нечта мисол келтирамиз. Бу маълумот журналимиз ўқувчилари учун қизик бўлишига умид қиламиз. Эҳтимол, у олимларимиз учун ҳам ўз тадқиқотлари йўналиши ва даражасини жаҳон тенденциялари билан солиштириш учун фойдали бўлар. Шунингдек, бу маълумот лавозими ва жамиятдаги ўрнига кўра илм-фанимиз ва технологияларимиз келажагини белгилаб берувчиларга ҳам зарур.

### Рақамли валюта


Сиз ҳатто биткойнлардан ўзингиз фойдаланмаган бўлсангиз ҳам, улар ҳақида албатта эшитгансиз (улар ҳақида «Фан ва турмуш» 2017 й. 3-4 сонда батафсил ўқиш мумкин). Бироқ келажакда сиз албатта ў ёки бу рақамли валютадан фойдаланасиз, ҳатто



ўзингиз буни пайқамасангиз ҳам. Дунёнинг энг йирик банкларидан баъзилари аллақачон криптовалюталар билан тажрибалар қилиб кўришяпти. Криптовалюталарни жорий этишдан мақсад – доллар ёки евронинг ўрнини эгаллаш эмас, балки халқаро ўтказмаларни соддалаштирувчи инфратузилма яратиш. Сизда ҳеч қачон биткойн-ҳамён бўлмаса ҳам, бир неча дақиқада пул жўнатиш ёки олиш учун криптовалютага эга бўлишингиз мумкин.

### Блокчейн

Рақамли валюта асосида блокчейн – ўзига хос рақамли бухгалтер китоби ётади («Фан ва турмуш», 2018 й. № 3-4). Эслагиб ўтамиз, блокчейн бу блоклар занжири. Бу занжирни узишнинг иложи йўқ, чунки ҳар бир блокда ундан аввалги блокка ҳавола бор. Ушбу занжир маълумотлар базасига ўхшайди, бироқ оддий маълумотлар базасидан фарқли ўларок, блокчейндаги ёзувни ўзгартириш ёки ўчириб ташлашнинг иложи йўқ, фақат янгиларини қўшиш мумкин. Биткойнга ўхшаш криптовалюталар ўз блокчейнларини



ҳимоя қилиш учун унинг нусхаларини минглаб компьютерларда сақлайди ва улар доимо бир-бирини текшириб туради. JPM Coin каби корпоратив валюталар ташкилот томонидан бошқарилувчи хусусий блокчейндан фойдаланиши мумкин.

Юқорида биз блокчейнни бухгалтерлик китоби билан солиштирдик. Улар чиндан жуда ўхшаш: бухгалтер китобига ўхшаб, блокчейн ҳам ёзувлар кетма-кетлигидан иборат (криптовалюталарда бу ёзувлар ким кимга қанча маблағ ўтказганини қайд этади). Бироқ оддий бухгалтер китобидан фарқли ўларок, блокчейндаги ёзувни қалбакилаштиришнинг деярли иложи йўқ. Блокчейн бир вақтнинг ўзида минглаб ЭҲМларда сақланади, ҳақиқатга мос келмайдиган ёзувни қўшиш ёки эски ёзувлардан бирини ўзгартириш учун сиз машиналарнинг ярмидан кўпини бошқаришингиз керак.

Блокчейн рақамли валюталардан бошқа жойда ҳам фойдаланилади. Бузиб ё ўзгартириб бўлмайдиган, акциялар чиқариш ёки қвитанциялар бериш учун фойдаланса бўладиган маълумотлар омборини кенг

татбиқ этиш мумкин, бунга таъминот тармоғи ёки қўшма истеъмолни мисол келтириш мумкин. Бунинг устунликлари кўп – транзакциялар деярли бир зумда ўтади; шартномалар конфиденциал ва аноним бўлади; харидорлар ҳуқуқларининг ҳимояси ҳам юксак даражада: тузилган шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкинмас; маълумотлар ишончли равишда сақланади, чунки барча амаллар тарихи блокчейнда ёзилган ва тармоқнинг барча фойдаланувчилари орасида тақсимланган. Бу технологиянинг камчиликлари ҳам бўлса керак, албатта, бироқ ҳозирда улар номаълум, келажакдаги амалиёт уларни очиб бериши керак.

### 5G тармоқлари

Мобил алоқанинг биринчи авлоддан 2G га ўтиши жуда катта ўзгариш бўлган. Биринчи авлод тармоқларида фақат овозли қўнғирокларни амалга ошириш мумкин эди. 2G тармоқлар рақамли бўлиб, нафақат стабил алоқа, балки SMS-хабарлар ва конференц-алокани ҳам таъминлаб берган. 3G га ўтиш натижасида мультимедиа хизматлари ва оқимли узатиш пайдо бўлди. 4G га ўтиш кўпроқ янги хизматлар эмас, сифатни ошириш билан боғлиқ эди. 3G тармоқда смартфонингизга интернетдан фильм юклаб ололсангиз 4G тармоқда уни online кўра оласиз.

5G тармоқлар батамом янгиликларни олиб келиши мумкин («Фан ва турмуш»нинг жорий сониди ўқинг), лекин биз телефонларимизда ўзгариш сезмаймиз. Тўғри, саҳифалар тезроқ очила бошлайди, лекин улар ҳозир ҳам тез очилади. 5G тармоқлар биздаги мавжуд қурилмаларнинг ҳаммасини бирлаштириш имконини беради. Музлатгич ўз дастурий таъминотини янгилай олади, ишдан чиққан кир ювиш машинаси уста чақиришга кодир бўлади. Ақлли автоуловлар бир-бири билан ва светофорлар билан мулоқот ўрнатиб, йўл ҳаракатини қулайроқ ва хавфсизроқ қила олади.

Қайта айтамыз – телефонингиз сезиларли даражада тезлашмайди, лекин атрофингизда янги хизматлар пайдо бўлади. Устига-устак, 5G тармоқлар абонентларни тўғридан-тўғри улаб бера олади, бу



эса алоканинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини оши-  
ради.

### CRISPR технологияси

Содда қилиб айтсак, CRISPR бу дастлаб бак-  
териялар ва археяларда топилган хромосомадаги  
такрорланиб келувчи тузилмалар. CRISPR ва у билан  
ишлаш усуллари (CRISPR-Cas технологиялари) кашф  
этилиши олий организмлар геномини «тахрирлаш»  
имконини берди. CRISPR-Cas ҳаёт ҳақидаги фан-  
ларнинг ўта муҳим технологик янгиллиги ва замона-  
вий ген муҳандислигидаги энг истиқболли йўналиш  
ҳисобланади. Моҳиятан бу ДНКдан турли хасталик-  
ларга жавобгар бўлган қисмларни кесиб олиб, ўрнига  
янгисини қўйишдир. Олимлар бу технологияни қатор  
жиддий касалликларни – ўроксимон анемиядан тортиб  
саратонни даволашда қўллашга ҳаракат қилишяпти.  
2017 йилда америкалик олимлар гуруҳи CRISPR  
ёрдамида бир неча одам эмбрионларини туғма юрак  
хасталикларидан халос этди.


2018 йил ноябрида Хэ Цзянькуй бошчилигидаги  
хитойлик олимлар икки эгизак қиз генини сунъий  
ўзгартира олишгани маълум бўлди – уларга ОИВ  
таъсир қилмайдиган бўлди. Бу тажриба кўплаб ил-  
мий ва ахлоқий қоидаларни бузгани сабабли анча  
салбий муносабат келтириб чиқарди. Кўп олимлар  
CRISPR-Cas ни одам эмбрионлари ва ҳомила ҳу-  
жайраларига қўллашга (ҳатто тиббий мақсадларда  
ҳам) халқаро мораторий қабул қилишни талаб этди.  
Бу олимлар CRISPRни фундаментал тадқиқ этишни  
қўллаб – қувватлашади, бироқ уларнинг фикрича  
CRISPR-Cas технологияси беморларда асоратлар ва  
ирсий бузилишлар бўлмаслигини кафолатлайдиган  
даражада ривожланган эмас. Шунга қарамай, бундай  
технологиялар пайдо бўлганининг ўзи илм-фан учун  
жуда муҳим қадам.

### Venmo

Venmo – PayPal компаниясига тегишли мобил  
тўловлар хизмати. Venmoдаги ҳисоб эгалари мобил  
телефон иловаси ёрдамида бошқаларга пул ўтказа  
олади. Пул жўнатувчи ва олувчилар АҚШда яшаши  
керак. 2010 йилда Талабалар турар жойида бирга  
яшовчи Эндрю Кортин ва Икром Мағдона-Исмоил  
томонидан 2010 йилда яратилган Venmo одамлар-  
га овқат учун тўловни бўлиб олиш ва ижара ҳақи-  
ни тўлаш каби ишларни қулайлаштириб берди, бу  
АҚШда жуда оммабоп бўлиб кетди. Ҳозирги авлод  
улардан аввалгилар ўзаро ҳисоб-китобни Venmosиз  
қандай бажаришганини тасаввур ҳам қила олмайди.

Venmo 2015 йилда PayPal томонидан харид  
қилинди ва унинг ҳозирда йилига 40 миллион фой-  
даланувчиси бор. Бу аксарият йирик банкларнинг  
мижозлар базасидан кўп. 2020 йилда хизматда тўлов-  
лар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўп бўлиши  
кутилмоқда.

Тўлов тизимлари тўғрисида сўзлар эканмиз,  
Click, PayPal ва PayPalни эсламай иложимиз йўқ.  
Venmo уларга жуда ўхшайди, лекин унинг қатор ўзига  
хосликлари бор. Venmoда бевосита тўлов тизимидан



ташқари ижтимоий тармоқ ҳам бор. Фақат, Facebook  
ва Instagramдан фарқли равишда Venmo мушукча-  
ларнинг суратларини эмас, тизим орқали тўловларни  
улашишга мўлжалланган. Ана шу ижтимоий тармоқ  
Venmo орқали тўловларни жонли қилиб, уларни ҳис-  
сиётларга бойитади. Бунинг ўзига хос акс таъсири  
ҳам бор – ҳисоб-китобни тийинигача тўғри қилиш  
одамда майдачиликни рағбатлантиради, кичик қарз  
ва насиялардан осон қутулиш эса радикал индиви-  
дуализм ғояларига йўл очиб беради.

### Сунъий онг

Сунъий онг бу кўркувга солувчи янги техно-  
логия («Фан ва турмуш», 2018 йил № 1-2). Стивен  
Хокинг, Билл Гейтс ва Илон Маск каби буюклар  
одамниқидан аклироқ сунъий онг яратиш хавфли  
эканини таъкидлашган. Лекин биз бари бир буни  
амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Сиз сунъий онгнинг аҳамияти ортганини марке-  
тингда сезган бўлсангиз керак: сиз кўрадиган рақамли  
реклама одатда айнан сизга мослаштирилган бўлади,  
бунинг учун сиз ҳақингиздаги кўплаб маълумотлардан  
фойдаланилади. Шунингдек, ҳар сафар Siri, Alexa  
ёки бирор бошқа виртуал ёрдамчидан латифа айтиб  
беришини ёки веб-саҳифадаги чат-ботга маълумотла-





рингизни жўнатишни сўраганингизда сунъий онгдан фойдаланасиз. Сунъий онг фотосуратларни автомат равишда қайта ишлашдан тортиб беморларга ташхис кўйишдек турли масалаларда ишлатилади. Келажакда сунъий онг ҳамма ёқда – кишлоқ хўжалиги ва аэрокосмик саноатдан тортиб транспорт ва соғлиқни сақлашгача соҳаларда ақл билан қарор қабул қилишда қўлланади.

### **iPad – Apple компанияси томонидан ишлаб чиқарилувчи планшет**

Apple асосчиси Стив Джобс 2010 йилда iPadни намоиш этганида кўплар уни кулгига йўйди: на телефон эмас ва на компьютер. Бироқ шу кунгача iPadнинг 400 та нусхаси сотилди. Ҳозирги кунда планшетлар бизнес учун тенги йўқ қурилмаларга айланиб қолди. Улар савдо ва ижтимоий истеъмолнинг кўп соҳаларини самаралироқ қилди, касса аппаратлари ўрнини эгаллади, мол ва маҳсулотлар захирасини кузатиб бориш имконини беради.

### **Ҳайдовчисиз автомобиллар**

Google ва Apple жорий ўн йиллик бошида ўзини ўзи бошқарувчи автомобиллар яратиш устида яширинча ишлашни бошлашганида бу худди фантастик асарлардан олингандек туюларди. Вақт ўтиб, йирик автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти ҳам шундай ишларни бошлаб юборди, Uber ва Lyft каби корхоналар ҳам. Ҳайдовчисиз автоуловлар ҳозирда ҳақиқатга айланыпти. Мураккаб сунъий онг ва машинавий кўриш ёрдамида бу технология йўлларни анча хавфсиз қилади. Энг оптимистик башоратларга қўра, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ўлим даражаси 90 фоизга камаяди. Дарвоқе, бундай янгиликлар ҳаммага ҳам ёқавермайди: АҚШда 4 миллионга яқин такси ва юк машинаси ҳайдовчиларининг бу инновацияга муносабати салбий.

### **Ақлли эшик кўнғироғи**

Ring компанияси асосчиси Джейми Симинофф 2013 йилда «ақлли» эшик кўнғироғини ўйлаб топганида кўп фирмалар унинг кашфиётини рад этган. Беш йилдан сўнг Amazon унинг компаниясини 1 млрд долларга сотиб олди. Wi-Fiли эшик кўнғироғи ўзидаги ҳаракат датчиклари ишга тушиши билан видео ёзишни бошлайди, икки томонлама ички алоқа эса



эшик олдида турган одам билан мобил илова орқали сўзлашиш имконини беради. Лос Анжелес полиция департаменти (LAPD) хабар беришича, Ring кўнғироқлари кўйилган уйлари тунаш 50% га қисқарган. YouTubeда эшик олдида чироқлар ёнганида ёки уй эгаси «ким у?» деб сўраганида қочиб кетадиган ўғрилар тўғрисидаги видеолар талайгина. Шу билан бирга, фаоллар ва қонун чиқарувчилар Amazonдан полиция компания билан ҳамкорлик доирасида айнан қандай маълумот турларини ола билишини маълум қилишни талаб этишяпти.

### **Квант компьютерлар**

Биз ҳозир квант ҳисоблаш технологиялари шаклланиш жараёнининг илк босқичларидамыз. 2019 йил октябрида Google ўзининг Sycamore квант процессори 200 секундда дунёнинг энг кучли суперком-



пьютери 10 000 йил сарфлайдиган ишни бажаргани ҳақида хабар берди.

Бу иш тасодифий сонлар ҳосил қилишдан иборат бўлиб, бу – мураккаб, аммо амалий фойдаси унча ҳам бўлмаган иш. Битлари бир вақтнинг ўзида ҳам 1, ҳам 0 га тенг бўла оладиган компьютерлар ҳали яна узок йўлни босиб ўтишлари керак ва уларнинг аҳамияти тезроқ ишлайдиган уй компьютерлари ёки ўйин консоллари эмас, балки блокчейн, сунъий онг ва 5G тармоқлар ҳосил қиладиган жуда катта ҳажмдаги маълумолар билан боғлиқ бўлади.

### **SpaceX кўп марталиқ ракетаси**

Илон Маск тўғрисида нима дейишса ҳам, унинг кўп ғоялари чинакам башорат, улар амалга ошганида эса дунёни ўзгартира олади («Фан ва турмуш», 2019 йил, № 1-2). SpaceX корхонаси сўнгги ўн йилликнинг аксарият қисмини кўп марталиқ ракета тизимларини ишлаб чиқаришга сарфлади. 2015 йил декабрида Falcon 9 ракетаси орбитага фойдали юкломани олиб чиқиб, Канаверал бурнига қўниши космик парвозларнинг янги даврини очиб берди. Falcon 9 ни учуриш 62 млн долларга (ёки килограммига 5500 доллар) тушади, бу ўн йил аввалги парвозлар нархидан тўрт баробар кам. Космонавтика мазкур ютуғининг асл аҳамиятини инсоният Ой ва Марсни ўзлаштириш дастурлари бошланганида тушунади.



# COVID-19

## табий мутациялар ҳосилими ёки сунъий яратилганми?

**С**ОVID-19 (SARS-CoV-2 ёки 2019-nCoV) тожсимон вируси томонидан чакириладиган оғир ўткир респиратор инфекциядир. COVID-19 коронавирус касаллиги авваллари номаълум бўлган SARS-CoV-2 бета-тожсимон вируси туфайли юзага келди. Бу вирус 2019 йили Хитойнинг Ухань шаҳрида пневмония билан оғриган беморларнинг ўпкасидан олинган суюқлик намуналарида топилган. SARS-CoV-2 инсонга юқиши мумкин бўлган тожсимон вирусларнинг еттинчисидир. Фанга маълум олти та коронавируснинг тўрттаси –  $\alpha$ -CoVs HCoV-229E, HCoV-NL63,  $\beta$ -CoVs HCoV-NKUI ва HCoV-OC43 вирусларининг патогенлик даражаси паст бўлиб, шамоллашга ўхшаш енгил респиратор аломатлар билан намоён бўлади. Қолган иккита SARS-CoV ва MERS-CoV бета-коронавируси эса нафас олиш йўллариининг оғир инфекцияланишига сабаб бўлиб, беморларни ўлим ҳолатигача олиб келиши мумкин.

2019 йилнинг 31 декабрь куни илк бора рўйхатга олинган SARS-CoV-2 вируси бугунга (2020 йилнинг май ойига) келиб 3 миллиондан ортик кишига юккан. Дунёдаги умумий ўлим ҳолати

200 минг кишини (касаллик юкканлар сонининг тахминан 7 фоизини) ташкил этди. Бу «оддий» грипп туфайли юзага келадиган ўлим ҳолатларига нисбатан анча кўп.

Шу ўринда SARS-CoV-2 вирусининг ўзи нима, деган савол туғилади. У табий келиб чиққанми ёки кимдир томонидан яратилганми? Келинглари, аввал, унинг келиб чиқишига доир тахминларни кўриб чиқамиз.

### 1-тахмин: вирус – табий мутациялар натижаси

Энг кенг тарқалган ва экспериментлар билан тасдиқланган тахминга кўра мазкур тожсимон вирус табий келиб чиқишга эга, ва табиатда мавжуд бошқа турдаги тожсимон вирусларнинг табий мутацияси натижасида юзага келган.

2020 йилнинг 22 январида «Journal of Medical Virology» журнали бир гуруҳ хитойлик олимларнинг (Ji ва бошқалар) тадқиқотларини чоп этди. Мақолада COVID-19 вирусининг бешта геноми одамлар ва турли ҳайвонларга юкадиган тожсимон вирусларнинг 276 та фанга маълум геном кетма-кетликлари солиштирилган. Олимлар томони-



*Жанубий хитойда учрайдиган кўп чизикли крайт ва хитой кобраси (бу илонларнинг икки тури ҳам Ухандаги озик-овқат бозорида сотилган)*



*COVID-19 коронавирусини келиб чиқишининг сабабчиси этиб гумон қилинаётган панголин жонивори*




*Хитойда учрайдиган тақасимон кўршапалак*

дан вируснинг генетик келиб чиқишини баҳоловчи коронавирусларнинг филогенетик дарахтини чизиб чиқилганида, янги вируслар кўршапалак ва эхтимол, хитой илони – жанубий хитой кўп чизикли крайти ёки хитой кобраси (бу илонларнинг икки тури ҳам Уханда озик-овқат маҳсулоти сифатида сотилган) коронавируслари ўртасида генетик ахборотларнинг алмашинуви йўли билан умумий битта аجدоддан тахминан икки йил аввал пайдо бўлган.

Бирок Nature журналида чоп этилган мақолада катор олимлар (Ewen Callaway ва David Snyman) хитойлик олимларнинг мазкур хулосаларини рад этиб, илонлар касаллиқни юктириш манбаи бўлиши даргумонлигини айтиб, бу ролга кўпроқ сутэмизувчи хайвонлар ёки кушлар тўғри келиши мумкинлигини тахмин қилганлар. 2017 йили кўршапалаклардаги атипик пневмония билан боғлиқ вирусларни аниқлаган гуруҳ таркибига кирган Шанхайнинг Пастер уни-

верситети вирусологи Цуй Цзе 2002-2003 йилларда атипик пневмония тарқалганидан кейин бундай вируслар фақат сутэмизувчиларда кузатилгани ҳақида маълумот беради.

Бошқа хитойлик олимлар гуруҳи COVID-19 вирусининг манбаси кўршапалаклар бўлган дея тахмин қилишмоқда, негаки SARS-CoV-2 намуналарининг РНКси Осиё тақабурон кўршапалакларда авваллари аниқланган CoV RaTG1 вирусининг РНКси билан 96 фоиз тўғри келган. Бундан ташқари, COVID-19 тожсимон вируси 2002 йилда Хитойда эпидемияни келтириб чиқарган атипик пневмония вирусига 79,5 фоиз ўхшаш. Гуанчжоудаги Жанубий Хитой қишлоқ хўжалиги университети тадқиқотчилари янги коронавируснинг манбаи панголин жонивори бўлиши



мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб *COVID-19* вирусининг табиий манбаи борасидаги фикрлар хилма-хиллигига қарамай, барча олимлар молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида мазкур вирус табиий келиб чиқканини ва унинг нолинчи ҳолати айнан ҳайвонлар, масалан кўршапалак ёки бошқа ҳайвонлар билан мулоқот натижасида юзага келганлигини таъкидламоқдалар.

## **2-тахмин: вирус сунъий равишда чиқарилган**


Яна бир гипотеза бу *COVID-19* вирусининг сунъий келиб чиқиши бўйича тахминдир. Вируснинг сунъий келиб чиқиши тўғрисидаги фикрга 2015 йили нуфузли *Nature Medicine* журналида «Кўршапалаклар коронавируси айланиши SARS-симон гуруҳи одамга ўтиш учун имкониятларини намоёниш этмоқда» мақоласининг чоп этилиши сабаб бўлди. Мазкур мақолада хитой тақабурун кўршапалаклар популяциясида учрайдиган SHC014-CoV SARS-симон вирус билан касалланиш эҳтимоли тадқиқ этилган. SARS-CoV тескари генетика тизимини қўллаган ҳолда (геномдаги алоҳида генларнинг функцияларини ўчириш, ўзгартириш ёки модификациялаш), SHC014 кўршапалак коронавируси тожи SARS-CoV асосида кўршапалаклар учун адаптацияланган экспрессивлашувчи ғаройиб вирус яратилган ва тавсифланган. Мана шу натижалар асосида олимлар SHC014 юкумли тўлик ўлчамли

рекомбинант вирусининг сунъий шаклини ишлаб чиқадилар ва вируснинг ҳам *in vitro*, ҳам *in vivo* усулидаги ишончли репликациясини намоёниш этдилар. Мазкур иш кўршапалаклар популяциясида ҳозирда мавжуд вируслардан SARS-CoV вирусининг қайта пайдо бўлиши хавфини назарда тутди. Тожсимон вируснинг аниқ табиий манбаи топилмагани ҳам вируснинг лабораториядан чиқканини билвосита тасдиқлайди.

Шундай қилиб, *COVID-19* (SARS-CoV-2) коронавирус тўғрисидаги ҳозиргача мавжуд маълумотларни таҳлил қилиб, мазкур вируснинг табиий ёки сунъий келиб чиқиши борасида икки хил тахмин борлигини кўриш мумкин. Иккала тахмин ҳам ўзининг тасдиғи ва асосига эга. Бироқ *COVID-19* вирусининг табиий келиб чиқиши гипотезаси тўлиқ геномли секвенлаштириш бўйича маълумотлар билан тасдиқланади.

Бугунда давом этаётган илмий тадқиқотлар мазкур тожсимон вируснинг келиб чиқиш масаласини охиригача аниқлашга ҳамда инсон соғлиғи учун хавф-хатарни камайтиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Иброҳим Абдурахмонов, Венера Камбурова.  
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.



## «КОРОНАВИРУС БИЛАН ЯШАШНИ ЎРГНАМИЗ...»

*Интернет саҳифаларида ўзининг «Доктор Оз шоу» телекўрсатуви орқали АҚШда машҳур бўлган шифокор ва тележурналист Мехмет Ченгиз Ознинг коронавирусга оид мулоҳазалари кенг тарқалган. Асли келиб чиқиши турк бўлган америкалик шифокор Мехмет Оз TIME журнаlining 2008 йилдаги танловига кўра жаҳоннинг «100 энг обрўли ва таъсирини ўтказа оладиган одамлар» рўйхатида 44 ўринда қайд этилган. 2010 йилда эса у New York Magazin журнаlining эътирофига кўра АҚШнинг энг яхши шифокорлари қаторидан жой олган. Қуйида доктор Мехмет Ознинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

*Тахририят*

Аслида COVID-19 коронавирусдан тўлиқ қутулишнинг йўли йўқ. Унга ҳар бир одам чалиниши мумкин. Лекин бу касалликни қанчалик кеч юктирсак шунча яхши. Буни сўзим охирида изоҳлайман.

Грипп вируси билан бўлгани каби, келгусида коронавирус билан ҳам яшашни ўрганамиз. Ҳозир жорий қилинаётган барча санитария талабларига риоя қилишга чақиришлар, карантин, таътил ва бошқа чоралар вируснинг тарқалиш суръатларини пасайтириш, шифокорлар қийин аҳволга тушиб қолмасликларининг олдини олишга қаратилган.

Вирус тез суръатларда тарқаладиган тақдирда касалхоналардаги жойлар тез тўладида шифокорлар оғир аҳволга – Италияда бўлганидек қайси беморни даволаш керагу, қайсинисини эса даволамасдан ташлаб қўйиш кераклигини ҳал қилишдек даҳшатли вазиятга дуч келишади.

Вируслар аслида қотил, шайтоний бир душман эмас. Улар ҳам ўз қобилигида яшовчи «мавжудотлардир». Вируслар ҳаётларини давом эттириш учун ўзлари ҳам тирик организмга муҳтождир. Асрлар давомида коронавируслар баъзи

хайвонлар организмда уларга зарар етказмасдан яшашга ўрганган. Энди улар хайвонлардан одамларга юқди. Хўш, нега унда улар одамларни нобуд қилишмоқда? Гап шундаки, вирус ҳамон ўзини хайвон танасида деб ўйламоқда. Ўзи ўрнашган янги муҳит шароитини ҳали билмайди. Маълум муддат ўтиб, бизда унга қарши иммунитет шаклланади ва вирус ҳам давомли яшаш учун мутацияга учрайди. Шу зайлда қандайдир мувозанатда бирга яшашга кўникамиз.

Масалан, *herpes labialis* номли вирусни эшитганмисиз? Бу дунёда энг кўп тарқалган вирус бўлиб, ўла-ўлгунча одам организмда яшайди. У нима қилади, дейсизми? Лабимизга учуқ тоширади. Шу холос. Одамни ўлдирмайди. Чунки одам ўлса, у ҳам ўлади. Грипп вируси ҳам деярли шунақа. Ўлдириш хавфи 0.1 фоиз бўлиб, у, одатда, сурункали касалликларга чалинган одамларни нобуд қилади. Дунё бўйича йилига ярим миллиард одам гриппга чалинади. Одам танасида яшашга кўниккан миллиард-миллиард вируслар мавжуд. Коронавирус билан ҳам яшашга одатланамиз.

Нима қилганда ҳам ҳаммамиз бу вирусга албатта чалинамиз. Кўпчилик ўзи билмаса-да, чалиниб ҳам бўлди. Тузалиб ҳам бўлганлар бор. Уларнинг организми вирус билан яшашга аллақачон кўниккан ёки вирус уларнинг танасини тарқ этиб бошқа танага ўтиб кетган. Бу мавзуда энг яхши мисол Даймонд Принцесс кемаси. Ундаги 3700 йўловчидан 700 тасида вирус аниқланган. Аммо шулардан 350 нафари касаллигини сезмаган ҳам. Булар орасида ёши улуглар ҳам бўлган. Нега бундай бўлди? Чунки ўша 350 кишининг иммунитетини жуда кучли экан. Яъни бу касалликка қарши курашда энг муҳим омил бу иммунитетдир. Иммуно тизими кучли бўлган одамлар бу касалликни умуман сезмайдилар, уни енгил шамоллашдек ўтказиб юборишади.

Иммунитетни мустаҳкамлаш учун нима қилиш керак? Аввало маълум даражада спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва кўпроқ ҳаракат қилиш лозим. Кейинги ўринда тўғри овқатланиш, хусусан, мева-сабзавотлар, саримсоқ пиёз, катик, кўк чой, С витаминига бой табиий маҳсулотларни истеъмол қилиш керак. Шу чоралар ёрдамида пандемия давридан эсон-омон ўтиб олиш мумкин.

Келгуси йиллар, балки ойлар ё ҳафталар ичида вирус мутацияга учрайди, бунинг натижасида у сусаяди ёки багтар ваҳшийлашади. Иккинчи ҳолат эҳтимолдан узоқроқ, чунки бу вируснинг ўзига ҳам зарар. Вируснинг одамга мослашиши эҳтимоли каттароқ. Вакцинаси топилганда ҳам бу масала узил-кесил ҳал бўлмайди, чунки ҳар гал вирус мутацияга учраганда вакцина ўз таъсирини йўкотаверади. Ахир грипп вакциналари ҳам бизни фақат аввалги йилларда юккан грипп вирусларидан ҳимоялайди, янгиларидан эмас. Яъни тўлиқ ҳимоя қилолмайди. Вируслардан доимий тўлиқ ҳимоя эса фақат иммуно тизимимиздир.

Мутация – наслини ўзгартиришга алоқадор жараён. Лекин одамларда йиллар талаб қиладиган насл алмашуви вирусларда, ҳатто, бир неча соатда рўй бериши мумкин. Яъни улар мутацияга жуда тез чалинади. Вакт ўтгани сайин вирус мутация натижасида одамни нобуд қилмайдиган шаклга айланади. Демак, бу вирусни қанчалик кеч юктирсак, унинг зарари организмимизга шунча кам бўлади. Шунинг учун, имкон қадар уйдан чиқмай, тўғри овқатланиб, гигиена ва карантин талабларига риоя қилиб яшаш керак!



## ТЕЗКОР ҶАВОБ ОЛИНАДИГАН QR-КОДИ НИМА ҶИЗ?

*Биз Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да QR-кодлардан қандай фойдаланилаётганлигига ўқувчи эътиборини тортмоқчимиз. У ерда QR-код аммабон ва кенг тарқалган, масалан, товарлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини WeChat тизими орқали тўлаш барча жабҳаларда жорий этилган, бу заруратни коронавирус эпидемияси келтириб чиқарди, яъни ундан фойдаланишни янги босқичга кўтарди.*

*Фикримизча, зийрак ўқувчи ХХР да QR-код бўйича нималар рўй бергани, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича дунёнинг кўплаб мамлакатларида қандай ўзгаришлар бўлаётганини аллақачон тушуниб етди. Коронавирус тарқалиши хавфи ИАТ ни турмушнинг барча соҳаларига таъбиқ этишга катта тўртки бўлди. Бу жараён ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам айниқса сезилмоқда.*

*Кейинги вақтларда товарларни буюртма орқали уйга онлайн етказиб бериш одатий ҳол бўлиб қолди, ушбу хизматни кўрсатувчи корхоналар сони ҳам ўсди. Ташкилотлардаги мажлислар, илмий-текшириш муассасаларидаги семинарлар, масофадан туриб онлайн-платформалардан фойдаланиб ўтказилмоқда; давлат ўқув муассасалари қаторида хусусий секторда ҳам онлайн-мактаблар ривожланди. Қачонлардир қулайлик ёки эрмак учун ўйлаб топилган нарса бугун ҳаётини заруратга айланди.*

*Таҳририятдан*

**К**ейинги пайтларда Интернет сайтлари, реклама тахталари, темир йўл ва ҳаво йўллари билетлари, савдо белгилари ва бошқаларда оқ ва қора белбоғлардан иборат сирли квадрат расмлар жойлаштириладиган бўлди. Бу расм QR-код (инглизча Quick Response – тезкор жавоб сўзининг қисқартмаси) деб номланади ва икки ўлчамли штрихкод вазифасини бажаради. QR-код илк бор 1994 йилда Япониянинг «Denso-Wave» компанияси томонидан автомобиль саноати учун жорий қилинган эди. QR-кодлар ўз вазифасига кўра, товар ёки объект ҳақида маълумот берувчи оптик тамға бўлиб, ундаги маълумот махсус сканерлар ёрдамида тезда ўқиш олинади. Ҳозирги пайтда QR-код маълумотлари турмушда кенг қўлланила бошлади. Табиийки, QR-кодни ҳар қандай замонавий мобил телефонлари камераси ёрдамида осонгина ўқиш олиш мумкин, бунда албатта телефонга декодлаш дастури ўрнатилган бўлиши керак. Айнан шунинг учун, QR-код маълумотни ўзида қандай сақлайди ва у маълумот унга қандай ёзилади, деган савол туғилади.

QR- код жуда катта ҳажмдаги маълумотни кодлаши мумкин. Унинг ёрдамида идеал ҳолатда ҳажми икки ва рақдан ошмаган унча катта бўлмаган тасвирни (7 мингта

яқин рақам ёки 4 мингта ҳарф, рақам ва белгилар) кодлаш мумкин. Амалда эса, ўнлардан бошланиб, то бир неча юзлаб сондаги символларни кодлаш мумкин, чунки катта ҳажмли маълумотни ўқиш мобил телефонларида мураккабликни юзага келтириши мумкин. Бундан ташқари, маълумотларнинг 30 фоизи QR-код қисман шикастланганида ёки ёмон шароитда уни ўқишга ажратилган.

QR-код дастлаб Японияда ишлаб чиқилган пайтда «Кандзи» деб аталувчи яна бир кодировка ишлатилган, у 2 мингта яқин иероглифни иккилик тизимига ўтказиб беради. Табиийки, бу кодировка бошқа мамлакатларда ишлатилмайди.

QR-кодлар қайси соҳаларда кўпроқ ишлатилади деган савол туғилиши табиий. Аввало логистикада, яъни маҳсулот ва товарларни етказиб беришни режалаштириш, бошқариш ва назорат қилишда, кенг маънода эса, исталган моддий, информацион ва молиявий ресурсларни етказишда ишлатилмоқда. Бу банк қитанциялари, транспорт барча турларига чипталар, расмий ҳужжатлар, реклама плакатлари ва сайтларига ҳаволалар, ташрифномалардаги маълумотлар демакдир ва уларни уяли телефон браузерларидан тезликда очиш ёки адрес китобчаларига киритиш мумкин. Умуман олганда, QR-кодларни ахборот белгиси сифатида

барча жабҳада қўллаш мумкин.

Яна бир янги мисол: Хитойда ушбу технологиядан COVID-19 пандемияси даврида QR-кодга шахсни аниқловчи гувоҳномани қўшимча тарзда киритиб қўйишда фойдаланилди. Ушбу QR-кодни транспорт, муассаса ёки жамоат жойлари (савдо марказлари, бозорлар, кафе, парклар ва бошқалар)га кираётганда сканердан ўтказиш учун тақдим этиш талаб қилинади. Кейин бу ахборот назорат органларига тушиб, уларга короновирус юктириб олган шахснинг бошқалар билан канчалик мулоқотда бўлиши, касаллик хавфи тарқаган ҳудудларида бўлиш ҳолатлари ҳақида билиб олиш имконини берди. Карантин даврида одамлар ҳаракатлианишини назорат қилишнинг бу каби тизими QR-кодлар технологиясига асосланган бўлиб, дунёнинг қўллаб давлатларида улардан фойдаланилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, QR-коднинг зерикарли оқ-қора тасвири тезда креатив фойдаланувчиларнинг асабига тегади. Бундан ташқари, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти ҳақидаги рекламани жозибатор ва эсда қоладиган бўлишига, масалан, рангли QR-код яратиш, унга фирманинг логотипини киритиб, бир оз матн ҳам қўшишга интилади. Бундай код бошқаларидан ажралиб туради ва реклама ишлаб чиқарувчи брендига ҳаридор эътиборини тартади. QR-коднинг алоҳида сигментлари ва бурчак маркерларини бўйаб, турли рангдаги элементлардан ҳам яратиш мумкин. QR-кодни ажратишнинг яна бошқа бир усули уни сканердан ўтказишга имкони йўқ кишилар уни таниши ёки эслаб қолишлари унга фон тасвир, матн ёки телефон рақамини қўйишдир. Бундан кўринадики, QR-код график трансформация жиҳатдан дизайнерлар фаолияти учун кенг имконият яратади.

Мақоламиз сўнгида куруқ гапдан ишга кўчсак-да, мисол сифатида қандайдир оддий рангли QR-кодни, масалан, журналимизга тегишли маълумотлар кодини яратсак. Қўйидаги матнни терамиз. «Фан ва турмуш» илмий оммабоп журнали, № 1-2, 2020. Таъсисчи – Ўзбекистон Фанлар академияси. Натижа - 12 бетдаги расмда жойлашган катта QR-код!

Сўнг <https://www.qrqr.ru/> сайтга қирамиз ва матнни кодлаш учун жойлаштирамиз, унинг ўлчами ҳамда фон рангини танлаб код яратиш тугмачасини босамиз. Бир секунддан сўнг ажратилган майдонда бизнинг кодимиз пайдо бўлади (расмга қаранг).

QR-кодни қандай ўқиш мумкин. Бу ҳам оддий: уяли телефон ёрдамида QR-кодни сканерловчи дастурни юклаб оламиз (<https://play.google.com>) ва дастурни ишга туширамиз. Сўнг камера объективини кодга қаратиб маълумотни расмга оламиз ва уни ўқиймиз ёки сақлаб қўямиз. Агар уяли телефон бўлмаса, QR-кодни <https://decodeit.ru/qr> интернет сайтга уланган компьютер ёрдамида ўқиб олиш мумкин. «QR-кодни расшифровка қилиш» сўровига ўқиб олинган QR-код расми файлини юклаймиз ва дарҳол қолда ёзиб қўйилган матнга эга бўламиз.

Умид қиламизки, ўқувчи ушбу расмда ҳақиқатан ҳам журналимиз ҳақидаги маълумот кодланганлигига ишонч ҳосил қилади ва QR-код нималиги ҳақида тасаввурга эга бўлади ва уни ўзи ўқиб олиши ва яратиши мумкин.

**Игорь Ибрагимов.**

ЎЗР ФА Астрономия институти.



## КОД БЫСТРОГО ОТКЛИКА

В последнее время на сайтах, рекламных щитах, авиационных и железнодорожных билетах, торговых знаках и т.д. стали размещаться загадочные квадратные картинки, состоящие из белых и черных полосок. Эти изображения называются QR-кодами (сокращенно от английского Quick Response – Быстрый Ответ, или Отклик) и являются двухмерными штрих-кодами. QR-коды впервые были разработаны и представлены японской компанией Denso-Wave в 1994 г. для автомобильной промышленности Японии. По своему назначению они являются оптическими метками, которые содержат информацию об объектах для быстрого ее распознавания с помощью специальных сканеров. В настоящее время операцию считывания можно легко осуществить с помощью камер современных мобильных телефонов, если установить на них программу декодирования. Именно поэтому QR-коды получили столь широкое распространение и стали одной из многочисленных примет нарастающей цифровизации нашей жизни. Естественно, возникает вопрос, какую информацию может содержать QR-код и каким образом она записывается.

QR-код позволяет закодировать довольно большой объем информации. В идеале с его помощью можно перевести в относительно небольшое изображение до двух печатных страниц текста (около 7 тысяч цифр или 4 тысяч букв и специальных символов). В реальности же кодируют от нескольких десятков до сотен символов, поскольку большее количество может вызвать сложности в расшифровке мобильными телефонами. К тому же до 30 процентов информации отдано на избыточность, которая позволяет расшифровать QR-код даже при его частичном повреждении или в плохих условиях.

Поскольку первоначально QR-код был разработан в Японии, там применяется еще одна кодировка, так называемая «Кандзи», которая переводит около 2 тысяч иероглифов в двоичный вид. Естественно, данная кодировка в других странах не используется.

В каких сферах деятельности более всего используются QR-коды? Прежде всего, в логистике, т.е. при планировании, управлении и контроле движения про-



*Мы бы хотели заострить внимание читателя на использовании QR-кодов в Китае. Придуманное когда-то для комфорта или забавы стало совершенно необходимым. Эти коды были популярны и широко распространены и прежде, к примеру, в вездесущей оплате товаров и услуг через WeChat, однако, эпидемия превратила их в настоящую необходимость, так сказать, «прокачала до нового уровня». Внимательный читатель, наверное, уже понял наш посыл – то, что произошло с QR-кодами в КНР, происходит сейчас с информационно-коммуникационными технологиями во множестве стран мира. Угроза распространения коронавируса дала огромный толчок к внедрению ИКТ почти во все сферы жизнедеятельности общества. Прогресс особенно заметен в развивающихся странах, в том числе и в Узбекистане. Заказ товаров онлайн с доставкой на дом в последнее время превратился в обыденную процедуру, при этом выросло число предприятий, оказывающих эту услугу. Рабочие совещания в учреждениях, в том числе семинары в научных учреждениях, стали проводиться удаленно с использованием онлайн-платформ, расцвело онлайн-обучение как в частном секторе, так и в государственных образовательных учреждениях.*

*От редакции*

дукции и товаров, а в более широком смысле – любых материальных, информационных и финансовых ресурсов. Это также банковские квитанции, билеты на все виды транспорта, официальные документы, ссылки на рекламных плакатах или сайтах, данные визитных карточек, которые сразу же можно открыть в браузере сотового телефона или занести в адресную книгу. В принципе QR-коды, как информационные метки, можно использовать практически везде.

Другой, самый свежий пример: эту технологию во время эпидемии COVID-19 для мониторинга распространения коронавируса стали использовать в КНР, где к персональному QR-коду граждан были дополнительно привязаны удостоверения личности. Такой QR-код нужно было предъявлять для сканирования при входе в транспорт или учреждение, а также в общественные места (торговые центры, рынки, кафе, парки и пр.). Информация далее поступала в базу данных контролирующих органов, что позволяло узнать о возможных контактах

человека с носителями коронавируса, посещения им особо зараженных зон или нарушении условий карантина. Подобные системы контроля перемещения людей во время карантина на основе технологии QR-кодов стали использоваться и во многих других странах мира.

Вполне понятно, что скучная черно-белая картинка QR-кода довольно быстро перестала устраивать креативных пользователей. Кроме того, любой производитель стремится сделать рекламу своей продукции привлекательной и запоминающейся, например, создать цветной QR-код, вставить в него логотип фирмы или добавить немного текста. Такой код выделяется на фоне однотипных QR-кодов и акцентирует внимание возможного потребителя на рекламируемом бренде. При раскраске можно заменить один или оба цвета на выбранные цвета, необходимо только учитывать, чтобы контраст между этими цветами был достаточно большим для считывания и расшифровки.

Можно также создать QR-код с разноцветными элементами, раскрашивая отдельные сегменты или угловые маркеры. Другим способом выделения QR-кода может быть вставка фонового изображения, текста или номера телефона, чтобы люди, не имеющие возможности его отсканировать, могли распознать и запомнить этот номер. Как видно из указанного, QR-код в плане графической трансформации предоставляет для дизайнеров широкое поле деятельности.

В самом конце этой заметки перейдем от слов к делу и в качестве примера создадим какой-нибудь простой цветной QR-код, например, выходные данные нашего журнала. Набираем текст: Научно-популярный журнал «Фан ва турмуш» – «Наука и жизнь Узбекистана», № 1-2, 2020. Учредитель – Академия наук Республики Узбекистан. Результат – это большой QR-код в иллюстрации на стр. 12!

Заходим на сайт, например, <https://www.qrrd.ru>, вводим этот текст для кодирования, выбираем размер, а также цвета фона и кода и нажимаем на иконку «создать код». Через секунду внизу на выделенном поле появится QR-код, который имеет вид, показанный на рисунке.

Как прочитать этот и любой другой QR-код? Тоже предельно просто: возьмите мобильный телефон с камерой, скачайте программу для сканирования QR-кода, например, для смартфонов на Android с сайта <https://play.google.com> и запустите программу. Затем наведите объектив камеры на код и получите информацию, которую можно прочитать и сохранить. Если нет мобильного телефона, то можно прочитать QR-код с помощью компьютера, подключенного к Интернету: зайти на сайт <https://decodeit.ru/qr/>, загрузить файл с изображением QR-кода в форму запроса «Расшифровать QR-код онлайн», и сразу появится его содержимое.

Надеемся, читатель убедится, что на этом рисунке действительно закодирована информация о нашем журнале, и, получив представление о том, что такое QR-код, сможет сам его считывать и создавать.

**Игорь Ибрагимов.**

Астрономический институт АН РУз.



# Искусственный Интеллект и нейронные сети



*«До чего дошел прогресс – труд физический исчез,  
да и умственный заменит механический процесс»  
(из к/ф «Приключения Электроника»)*

**И**скусственный интеллект (ИИ) – это то, что объединяет приложения, распознающие кошку по фотографии и армейские беспилотные аппараты, прогнозирование курса доллара и диагностику рака.

Кто-то считает, что ИИ, как в голливудских фильмах, захватит мир или поставит многих на грань безработицы, а кто-то, что законы робототехники Айзека Азимова незыблемы и ИИ – единственный источник будущего процветания человечества. Тем не менее, в прошлом году в США и России началась работа над созданием Национальных Стратегических Планов Исследований и Разработок Искусственного Интеллекта.

Многие обыватели по-прежнему не подозревают о том, что давно используют искусственный интеллект в своей повседневной жизни, когда делают «селфи» своим смартфоном, на котором есть функция распознавания лиц, переводят текст с иностранного языка онлайн или играют в шахматы в бесплатном приложении, которое использует ИИ, во много раз превосходящий компьютер, победивший Гарри Каспарова в 1997 г. И это только малая часть.

Каплан и Хенлейн структурируют искусственный интеллект по трем этапам его эволюции: 1) «узкий» – это система ИИ, которая разработана и обучена для выполнения одной конкретной задачи; 2) «общий» – ИИ можно применять в нескольких областях с возможностью автономного решения проблем, для которых они никогда даже не предназначались, и 3) «супер-интеллект» – применение ИИ в любой области, который способен к научному творчеству, социальным навыкам.

Современным интеллектуальным системам

далеко до второго и третьего этапов, так что те, кто боится восстания машин, могут облегченно выдохнуть.

Почему же создание ИИ так актуально? Мы знаем, что одной из сильных сторон систем на основе ИИ является их способность собирать и анализировать горы данных и делать выводы из их анализа. Дело в том, что ИИ уже сейчас может помочь человеку в любой области его деятельности, работать на равных либо даже превзойти его.

Природа не создала ничего лучше человеческого мозга, поэтому неудивительно, что когда техника достигла нужного уровня, мы попытались имитировать работу столь эффективной системы доступными нам средствами – математическими моделями нейронов мозга в программном и аппаратном воплощении. Не в последнюю очередь это делается и для того, чтобы изучить, как работает наш мозг. Такие модели, организованные и работающие по принципу биологических нервных клеток, называют искусственными нейронными сетями. Это, по праву, наиболее известная система ИИ.

Начало теории нейронных сетей и нейрокомпьютеров положено работой американских нейрофизиологов У. Мак-Каллока и У. Питтса «Логическое исчисление идей, относящихся к нервной деятельности» (1943), в которой они предложили математическую модель биологического нейрона. А затем, уже в 1956 г., на конференции в Дартмуте профессор Джон Маккарти впервые дал определение термину ИИ, как науки и техники создания интеллектуальных машин.

Наиболее просто работу нейронной сети описал Эрл Геленбе, профессор компьютерных коммуникаций Имперского колледжа Лондона: «Мы берем большой объем данных, вводим их в нейросеть и подстра-

иваем ее параметры так, чтобы она аппроксимировала состояние системы настолько точно, насколько это возможно. Потом, если мы введем похожие данные, нейронная сеть выдаст верный или близкий ответ». С математической точки зрения, обучение нейронных сетей – это многопараметрическая задача нелинейной оптимизации.

Главное свойство и преимущество нейронной сети состоит в том, что она способна к обучению и принятию решений, беря за основу предыдущий опыт или пример, так, как это делает ребенок. Это следующая ступень в автоматизации любого процесса. Поэтому нейронные сети, по сути, не программируют, их обучают, и эта часть самая длительная и трудоемкая, поскольку, чтобы сеть адекватно принимала решения, ей нужно дать множество хороших примеров. Это, а также то, что ответ нейросети всегда приблизительный (т.е. наиболее вероятный, но не точный), относят к ее недостаткам.

Нельзя не отметить одну важную веху в истории ИИ. В 2012 г. исследователи из Стэнфорда и Google публикуют статью «Создание высокоуровневых функций с использованием крупномасштабного обучения без учителя». Их система избавляла от трудоемкой задачи ручной маркировки данных для обучения. В частности, они отметили тот факт, что их система стала очень хороша в распознавании изображений кошек. Кроме того, в статье описана модель, которая позволяет построить искусственную сеть, содержащую около одного миллиарда связей. Хотя это был значительный шаг на пути к созданию «искусственного мозга», еще предстоит проделать долгий путь, так как нейроны в человеческом мозге, как считается, объединены сетью из примерно 100 триллионов синоптических связей.

В каких случаях стоит обратиться за решением задачи к системам ИИ? Когда вы имеете большие массивы данных и в случае решения трудно формализуемых задач, т.е. задач, которые характеризуются сложностью или невозможностью полного и точного математического описания, или применяемые для их решения классические методы не позволяют получить ответ за приемлемое время.

Что это значит?

Трудно формализуемая задача – это когда, как в поговорке: «В огороде

бузина, а в Киеве дядька». Вот, например, нужно вычислить, за какое время человек  $N$  придет с работы домой. Если бы все решалось строго математическим аппаратом, то любой школьник разделит расстояние от работы до дома на скорость автомобиля и получит ответ. Но, на самом деле, решение зависит от многих, не описываемых математикой факторов, таких как день недели, погодные условия, трафик на дороге, настроение сотрудника ДПС, нужно ли водителю купить картошку по пути, даже возраст водителя и марка машины. Такие задачи призван решать ИИ.

В рамках этой статьи можно дать только несколько примеров применения интеллектуальных

систем. Они все отличаются между собой эффективностью, практичностью, стоимостью и извлекаемой выгодой. Есть те, которые можно создать на собственном компьютере, и они будут показывать интересные результаты, или те, которые для этого требуют значительных вычислительных мощностей.

В Отчете о достижениях в области искусственного интеллекта в США за 2016-2019 гг. отмечается прогресс в этой области, в частности, в классификации земного покрова, оценке уровня деформаций в результате землетрясений или вулканов, изменении коралловых рифов. ИИ также используется для следующей миссии НАСА на Марс.

ИИ и нейронные сети стали играть решающую

роль в современных исследованиях в области астрономии и физики. Самым заметным результатом, пожалуй, можно назвать обнаружение восьмой планеты, вращающейся вокруг далекой звезды в созвездии Дракона. Система похожа на миниатюрную Солнечную систему. Астрономы объявили об ее открытии в 2017 г. Планета была обнаружена в данных космического телескопа НАСА «Кеплер» и названа Кеплер-90i. Она не была единственной.

2018 год ознаменовался вехой в создании ИИ, когда в городе Феникс, штат Аризона, была запущена коммерческая служба самостоятельного вождения такси Waymo от Google.

Другим известным примером автономного транспортного средства является автомобиль Tesla с самостоятельным управлением. ИИ реализует компьютерное зрение и глубокое обучение для создания автомобилей, которые могут автоматически обнаруживать объекты и ездить без вмешательства человека.

Интеллектуальные алгоритмы, основанные на обработке естественного языка, вскоре будут распознавать вопросы врачей и ответы пациентов; извлекать из речи ключевые моменты и вносить информацию

в электронные медицинские карты. В конце апреля 2019 г. исследователи описали разработку системы, которая переводит мысли человека в синтетический голос. В этом исследовании, описанном в статье, опубликованной в журнале Nature, электронный датчик, имплантированный в человеческий мозг, улавливает сигналы, предназначенные для создания речи. А алгоритм ИИ переводит эти сигналы в синтетический голос.

ИИ уже используется в медицинской сфере. Роботизированная хирургическая система Da Vinci

произвела революцию в области хирургии, особенно урологических и гинекологических операций. Роботизированные манипуляторы системы имитируют движения рук хирурга с большей точностью и имеют возможности трехмерного

обзора, которые позволяют хирургу выполнять мелкие разрезы.

Рима Арнаут, доцент и практикующий врач-кардиолог из Калифорнийского университета в Сан-Франциско, и ее коллеги использовали глубокое обучение для системы ИИ, которая может классифицировать эхокардиограммы.

Кино санъати ҳақида айрим чизги мушоҳадалар юритишнинг кўзлаган мақолага бу тахлит кириш қилишдан мурод шундоқ ҳам ҳадик-хавотирдаги ўқувчини бадтарин аҳволга солмоқ эмас, аксинча, инсоннинг онгли ҳаёти бошланганданок атроф-жавонибидаги барча нарса ва ҳодисаларга синчковроқ бўлиш, муайян

муносабатни шакллантириб олиш муҳим эканлигини эслатмоқдир.

Модомики фикр нишаби муносабат масаласига бурилар экан, фаол инсон ўз касбу кори, тирикчилиги билан бирга, эл-юртда бўлаётган воқеликларга, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, маданият, санъат, адабиёт ва ҳоказо соҳаларга ҳам жонли қизиқиш уйғотмоғи керак, албатта. Шу маънода, бугунги ўзбек кино санъатида бўй кўрсатаётган ҳодисалар хусусида сўзлашишга қатор асослар бор. Хусусан, Ўзбекистонда бу йил 9 май «Хотира ва кадрлаш куни» байрамининг янги барпо этилган Ғалаба боғида нишонланиши ва шу ерда мамлакат Президентининг юксак кўтаринки қайфиятда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ижодкорлари яратган «Илҳак» бадиий фильми ҳақидаги айтган илиқ сўзлари ва мазкур фильмнинг шу куни телевидениянинг барча каналларида намоёйиш этилиши, бу миллий санъатимиз ҳаётида ҳар вақт ҳам рўй беравермайдиган ҳодисадир. Шунга кўра 2020 йилнинг 9 май байрамини биз кимларгадир тақдидан ҳарбий қудрат намоёйиши сифатида эмас, балки янги бир миллий фильмнинг оммавий намоёйиши сифатида нишонладик десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

«Илҳак» фильми ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов томонидан ёзувчи ва публицист Алиназар Эгамназаровнинг «Беш жангчининг онаси» очерки асосида суратга олинган.

Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғида яшаб, бешта ўғлини урушга жўнатган ва уларнинг барчасидан қорахат олган Зулфия Зокированинг қайғу ва матонатдан иборат ҳаёти «Илҳак» фильмининг бош мавзуси. Колхозлаштириш йилларида эридан айрилган аёл яққа ҳолда беш ўғил ва бир қизни вояга етказиб, энди уларнинг орзу-хавасини кўраётганида 2-жаҳон уруши бошланади. Аянинг бешовлон ўғли ҳам бирин-кетин фронтга кетади. Бунгача Зулфия опа

Ўғилларининг тўрттасини уйлантириб, уйли-жойли қилган, тўрт-беш набира ҳам кўриб улгурган эди. Тўрт келини билан колхозда ишлаб, бор-будини урушга юбориб, ўғилларининг жангоҳлардан эсон-омон қайтиши ҳаётининг мазмуни бўлган аёл ўша кезлардаги барча ўзбек оналарининг, нафақат ўзбек, балки ўзи каби фарзандларини кутиб ўтирган дунёдаги миллионлаб оналарнинг тимсоли эди.



*“Илҳақ” кинофильмида бош ролларни ижро этган актёр ва актрисалар*

Фильм режиссёри айнан шу ғоя, яъни оналар тимсолини яратиш ниятини бош мақсад билиб, барча воқеаларни шу мақсадга йўналтиради ва сюжет чизигини Она билан бошлаб, Она билан тугатади ва бошқа барча воқеаларни шу чизик атрофида бирлаштиради. Бу, ўз навбатида, фильмнинг композицион қурилиши жиҳатидан барча катта-кичик лавҳа-тафсилотларнинг тўла мувофиқлаштирилганлигини, персонажлар ҳатти-ҳаракатининг мантикий асосда ўсиб боришини, воқеа-ҳодисалар узвий бирликда муайян темпоритмга бўйсуниб, табиий динамикани таъминлаганлигини намоён этади. Шу хусусиятлари билан фильм композицион яхлитлик таассуротини беради ва бу асарнинг бадиий яхлитлиги учун бош омил бўлади. Қолган унсурлар, яъни актёр танлови ва маҳорати, деталь-тафсилотлар ҳаққонийлиги, рамзий ишоралар, бадиий воситалар мўллиги ва уларнинг бош мақсадни очишга аниқ йўналтирилганлиги, персонажлар тилининг софлиги ва ўрни билан меъёрида индивидуаллаштирилганлиги, конфликт ва коллизияларнинг бўртма – бўлик алфозда, ҳолат ва вазиятлар такозоси билан ёпик-руҳий ёки интеллектуал шаклларда намоён бўлиши ва ҳоказо барчаси ҳам пухта ўйлаб бадиий яхлитликка йўналтирилганки, пировардида шу жиҳатлар фильм муваффақиятини таъминлаган.

Албатта, юқорида саналган барча компонентларнинг бекаму кўст талқини ва ижроси ҳақида факат ижобий бўёқларда сўз айтиш тўғри бўлмас. Муайян камчиликлар, меъёрига етмаган, яхши ният билан асар таркибига киритилиб, тўлиғича маромига етказилмаган ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, уруш саҳналари кўрсатилган лавҳалар фронт ортидаги фронт, яъни Ўзбекистон қишлоғидаги ҳаёт, воқелик, эхтирослар, зиддиятлар, тўқнашувлар билан киёсда ниҳоятда ночор кўринади. Чунки биринчисида бадиий тўқимага берилиш қузатилса, иккинчисида реал ҳаёт – тарихий воқелик мезонлари асосида ёндашилган. Шунинг учун ҳам уруш лавҳалари не бир тўқима-тақлидий муносабат туфайли таассуротга путур етказса, ўзбек қишлоғи манзаралари, воқеликлари ўша таассуротни жонли лавҳалар ҳисобига тиклайди.

Уруш-уруш ўйнагандан кўра, Зулфия ая ва келинлари, Мавлон раис, Зулайҳо ва унинг онаси, Чори чўлок – почтачи, раиснинг урушдан қочган ўғли Мэлснинг аҳвол-руҳияси янада кенгрок, фронт орти даҳшатлари янада миқёслироқ кўрсатилиб, теранроқ очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки дастлабки ижодий ниятга кўра фильм марказида қишлоқдаги она ва келинлар турмуши, қишлоқдаги ҳаёт машаққатлари тасвирлиниши, фронт ортидаги фронтнинг даҳшатлари фронтнинг ўзиданда оғирроқ бўлгани ҳақидаги ҳақиқатлар кўпроқ юзага чиқиши керак эди. Шу боис ҳам уруш жангоҳларига айланмаган ўлкаларни кам айтишга уриниб қараётганларга жавобан навқирон фарзандларидан ташқари, бор куч-қуввати, молу будини ҳам бериб, яна кутиш, йўқотиш, соғинч, илҳаклик каби руҳий қийноқлар исқанжасида яшаш эпизодларига кенгрок ўрин бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди..

Ўзбекистон ва биз каби вазиятда бўлган республикаларнинг захмат-машаққатларини бадиий-ҳаққоний тасвирлаб, бошқалардан кўра оғирроқ кўрсатиш лозим эди. Шунда биз уруш жангоҳларининг эгаси бўлган айрим «оға»ларимизнинг чекка ўлкаларга паст назар билан қараётган вакилларига ҳаққоний манзарани тўла англаиб қўйган бўлар эдик.

Аммо шунга қарамай, «Илҳақ» фильми ўша мақсад йўлидаги дадил кадам ўларок халқимиз хотирасига кирди. Зулфия ая тимсолини яратган актриса Дилорам Каримова эса ўзбек аёли, миллат онасининг янги бир мужассам ибрати бўлиб қалблардан жой олди.

Сўнги икки-уч йил оралиғида ўндан ортик тарихий фильмлар яратиб, миллатимиз ўтмиши ва тарихий сиймолари образларини халқимизга яқинлаштиришдек жиддий ва олийжаноб мақсадларни кўзлаган ўзбек киноижодкорлари «Илҳақ» фильми билан яна бир бор ўзларининг йирик эпик жанрларда маҳорат ва камол касб этаётганларини намоён қилдилар. Интилиш ва изланишлар бардавом бўлмоғи керак.

Шухрат **Ризаев**.  
Ўзбеккино Миллий агентлиги.



## ФРОНТДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛГАН ГАЗЕТАЛАР

**Ф**ашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабада матбуотнинг, сўз кудратининг ўрни ва роли бениҳоя катта бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтда рус ва бошқа миллий тилларда газеталар чиқиб турган. 1943 йилга келиб жами 762 номда фронт газеталари, жумладан, 4 та марказий, 19 та фронт, 23 корпус, 600 дивизия газеталари чиққан. Улардан 14 таси ўзбек тилида чоп этилган.

Урушда Ўзбекистон халқининг иштироки, кўрсатган жасорати, ғалабага қўшган ҳиссаси, озодлик учун кураш жабҳасида душманга қарши олиб борган жангларда қурбон бўлган юртдошларимиз ҳақида ҳафтасига 2 марта чиқиб турган ўзбек тилидаги газеталарда кўплаб материаллар берилган. Бу газеталардан бир қисминигина тадқиқ қилиш туфайли 2017 йилда уч жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китоби нашр этилди.

Фронтда «Қизил армия», «Бонг», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Фронт ҳақиқати», «Ғалаба байроғи», «Ватан учун», «Суворовчи», «Совет жангчиси», «Қизил аскар ҳақиқати» каби газеталар чоп этилган.

Иқтидорли ўзбек журналистларининг кўпчилиги жангоҳларда ҳалок бўлган.

Тошкентлик Зифо Шамсиддинова 17 ёшида

фронтга ўз ихтиёри билан кетган. Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги кўчалардан бирига Зифо Шамсиддинова номи берилган. Урушнинг энг даҳшатли бошланғич даврларида ўзбек тилидаги «Қизил армия» фронт газетаси таҳририятида котиба-журналист бўлиб хизмат қилган. Зифохон таҳририятга келган хат-хабарларни кунт билан ўқиб чиқар, жангчиларимиз қахрамонлиги, матонатидан беҳад қувонар, фашистларнинг ваҳшийлиги тўғрисидаги хабарлардан каттик ғазабланар эди. Сталинграддаги буюк ғалабадан илҳомланган Зифохон дугонаси Бонуга битган мактубида шундай ёзган: «Шу сатрларни ёзиб турганимда нақадар бахтли эканимни кўз олдинга келтира олмайсан. Сталинградда ғалаба қозондик! Биласанми, бу нима дегани? Энди Ғарбга, лаънати гитлерчиларини караб юрамиз!»

Газета масъул котиби Мирзакалон Исмоилийнинг эслашича: 1943 йил 16 октябрда фашистларнинг самолёти таҳририятимиз вағони устига ёндирувчи



*Зифо Шамсиддинова*





*Абдулла Шарафутдинов (1910-1945)*



*Бурхон Турсунов (1916-1945)*



*Гулум Гофуров (1909-1944)*



*Раҳимжон Гофуров (1906-1943)*



*Михаил Сувинский (1909-1941)*



*Неъмат Абдуллаев (1911-1942)*



*Николай Звёздин (1907-1943)*



*Обиджон Абдурахмонов (1914-1943)*



*Сафар Орзуметов (1907-1943)*



*Султон Жўра (1910-1943)*



*Ҳасан Иззатий (1909-1945)*



*Сайидгани Валиев (1905-1942)*

бомба ташлаб ўтган. Вагон ичида барча ўзбек тилида чоп этиладиган газеталар босмахонаси жойлашган эди. Фронтида вагон ичида жойлашган босмахонани бир тасаввур қилинг. Бундай вазиятда ватандошимиз нозиккина Зифохон Шамсиддинова босмахона ичидаги керакли жиҳозларни ёнғиндан қутқариб қолиш учун олиб борган ҳаракатлари оқибатида аланга ичида қолиб жон таслим қилади. У билан бирга ўша вагонда бўлган яна 18 киши ҳам ҳалок бўлади. Бош муҳаррир ўринбосари майор Жалолхон Азизонов ҳам ўт ичида қолиб ярадор бўлади.

Фронт даврида уруш ўчоғида ўқлар ва снарядлар остида олиб бориладиган жанглар ва қаҳрамонликлар ҳақида маълумотлар тўплаб газеталарда чоп этиш катта жасоратни талаб этарди. Бундай хатарли

ишлар жараёнида кўплаб ёш ва навқирон, кучга тўла, умидлари катта журналистларимиз ҳаётдан эрта кетди. Улар орасида: энди ҳаёт лаззатини ҳис эта бошлаган Сайидгани Валиев (1905-1942), Раҳимжон Гофуров (1906-1943), Сафар Орзуметов (1907-1943), Николай Звёздин (1907-1943), Михаил Сувинский (1909-1941), Гулом Гофуров (1909-1944), Обиджон Абдурахмонов (1914-1943), Султон Жўра (1910-1943), Ҳасан Иззатий (1909-1945), Неъмат Абдуллаев (1911-1942), Бурхон Турсунов (1916-1945) ва Абдулла Шарафутдинов (1910-1945) каби ватандошларимиз бор эди. Уларнинг порлоқ хотираси ҳамиша ёдимизда.

Рустамбек Шамсутдинов.  
Андижон давлат университети.



*Эвакуированные сотрудники Ленинградской консерватории, перед Дворцом культуры Швейников на улице им. Чехова (г. Ташкент, 1942 г.)*

## СОБРАТ ВОЕННЫХ ГОРОДОВ-ГЕРОЕВ

**В** победе во Второй мировой войне немалую роль сыграл Ташкент. Это был глубокий тыл. Сюда из прифронтовой полосы эвакуировали десятки важных в стратегическом отношении предприятий для того, чтобы они могли беспрепятственно выпускать нужную фронту продукцию. Впоследствии из этих предприятий выросли крупные заводы и фабрики. Ташкент стал прибежищем для многих сотен тысяч эвакуированных из прифронтовых областей людей. Сюда непрерывным потоком шли санитарные вагоны: десятки тысяч раненых, тяжелораненых были спасены здесь врачами и медсестрами.

В Ташкент целыми эшелонами приезжали выдающиеся деятели культуры и искусства бывшего Советского Союза. Город на многие годы стал для всех них родным домом творчества.

Именно здесь в Ташкенте испытывала второй в своей жизни творческий взлет великая русская поэтесса Анна Ахматова. Её разместили в общежитии Союза писателей, в крохотной комнатке – бывшей кассе, которую она тут же окрестила «копилкой». Именно так она представляла «осколки Серебряного века». Почти 20 лет никаких известий в прессе о ней не было. Ее не печатали, а если она что-то и выпускала, то это было анонимно, например, «Письма Рубенса». И вдруг на улицах Ташкента люди узнают Ахматову (многие знали ее царственный профиль), прогуливающуюся вместе с Фаиной Раневской, чрезвычайно популярной актрисой кино того времени.

Раневская прославилась также своими удивительными афоризмами. Один ее ташкентский афоризм: «Я встала посмотреть, как я лежу» мне привел один физик, занимающийся квантовой механикой... На мою просьбу уточнить в чем здесь «соль», ученый ответил: «В квантовой механике не всегда легко указать где измерительный прибор, а где измеряемый объект, в этом и заключается парадокс для неискушенного человека. Ну, а что касается парадоксов, то это не для Раневской! Она их выдавала как одуванчик маленькие «парашютики»!

За несколько лет эвакуации в Ташкенте Ахматова написала более двухсот выдающихся стихотворений. У неё есть даже стихи, посвященные тифозной горячке, от которой ее вылечили в Ташкенте. Она очень боялась умереть, потому что живых свидетелей от Серебряного века к этому времени почти не осталось. Ее пугало то, что она не напишет главную поэму своей жизни – «Поэму без героя». Но свою главную поэму Анна Андреевна закончила в Ташкенте. Так что литературные связи Ташкента и России были очень глубокими. И лучше всего об этом сказал классик узбекской литературы Айбек, которого Анна Андреевна очень уважала:

*Из комнаты пустой и душной,  
Из тех военных долгих лет  
Так величаво безыскусно  
Выходит женщина на свет.  
Она, седию своих не пряча,  
Идет всем горестям назло.  
И зонтик так ее прозрачен,  
Как стрекозиное крыло.  
Тут тубетейки и пилотки  
Под сводом выцветших небес,  
Информбюро скупые сводки,  
И хлеб по карточкам в обрез,  
И всех наречий первородство  
Войне и горю вопреки  
Неоднократно отзовется  
Еще в судьбе ее строки.  
И я, не отрывая взора,  
Смотрю за дальний поворот,  
Где мужественно вдоль Анхора  
Сама поэзия идет.*

*Перевод Рудольфа Баринского*

В двухэтажном доме, где в одной из комнат проживала Ахматова, вообще было целое созвездие деятелей культуры. На первом этаже можно было встретить известного советского драматурга Николая

Поэма без героя.

„Tout le monde a raison.“

Рокфокскалт.

„Девиз созвездия «отпня»  
Девиз в сердце на верстах Дале,  
Анна Ахматовой, в котором я жила,  
когда писала поэму.“

1940—1992.

Ленинград — Ташкент.

Первая страница рукописи Анны  
Ахматовой «Поэма без героя»



Акварель Татьяны Луговской, сестры поэта Владимира Луговского.  
В годы войны они жили в том же доме по улице Жуковской, 54, что  
и Анна Ахматова. Благодаря ее зарисовкам сохранились картины  
быта тех далеких времен

«Серебряным веком» называли эпоху культурного взлета, духовного возрождения, которую пережила русская культура в первой четверти XX столетия. По созвездию блестящих имен и творческому накалу — эта эпоха была сравнима с целым веком.

Погодина, не менее известного писателя Николая Вирта, который занимался жилищными вопросами переселенных сюда писателей из Москвы, великолепного поэта Иосифа Уткина, который, излечившись после ранения, отправился на фронт и там погиб. Здесь жила Надежда Мандельштам, жена Осипа Мандельштама. Уже вдова, но ещё не знающая об этом. На балахане (надстройке, на втором этаже) сначала жила Елена Сергеевна — вдова Михаила Булгакова. «В этой комнате колдунья до меня жила одна», — потом, поселившись здесь, напишет Анна Ахматова. Этой колдуньей и была Елена Сергеевна. Она вместо серебряных подстаканников, которые можно было на базаре поменять на хлеб, привезла сюда рукописи своего великого мужа. Этого великого мастера слова, которого сегодня знает весь мир, обнародовать тогда было совершенно невозможно. И только избранным людям она давала читать эту рукопись. Потом пройдут годы, и именно благодаря ташкентцам это удивительное произведение, совершенно не созвучное социалистическому реализму, вдруг появится в печати.

Все это происходило в Ташкенте. Между прочим, когда началась «охота на ведьм», а это было сразу после войны в 1946 г., Жданов выступил с докладом о журналах «Звезда» и «Ленинград». Главными обвиняемыми были Зощенко и Ахматова. Он привел отрывок из стихотворения Ахматовой, написанного в Ташкенте:

Когда лежит луна ломтем чарджуйской дыни  
На краешке окна и духота кругом,  
Когда закрыта дверь, и заколдован дом  
Воздушной веткой голубых глициний,  
И в чашке глиняной холодная вода,

И полотенца снег, и свечка восковая  
Горит, как в детстве, мотыльков сзывая,  
Грохочет тишина, моих не слыша слов, —  
Тогда из черноты рембрантовских углов  
Склубится что-то вдруг и спрячется туда же,

Но я не встрепелюсь, не испугаюсь даже...  
Здесь одиночество меня поймало в сети.  
Хозяйкин черный кот глядит, как глаз столетий,  
И в зеркале двойник не хочет мне помочь.  
Я буду сладко спать. Спокойной ночи, ночь.

Этого хозяйкиного черного кота звали Яша, но обитатели дома называли его Бегемотом. А когда кончилась война, и сюда шли письма от бывших жильцов дома писателей, то все передавали приветы коту Яшке. Эти письма сохранились так же, как сохранилась великолепная поэма Владимира Луговского «Середина века», философия русской поэзии середины XX века.

Один отрывок из воспоминаний поэтессы и переводчика Светланы Сомовой, очень красноречиво характеризует взаимоотношения узбекских и русских поэтов в годы войны. Однажды в дом эвакуированных писателей и поэтов пришел известный узбекский поэт Гафур Гулям. Он пригласил Анну Ахматову в Янгиюль на церемонию пуска первой воды для орошения пустынных земель. И вот они с узбекской поэтессой Сайидой Зуннуновой, которая взяла на себя обязанности переводчика Ахматовой, поехали в Янгиюль. «Ехали по летнему городу, сквозь пух

цветущих тополей, по шоссе, окруженному молодыми ивами и поющими арыками, изредка сквозь эту свежесть как бы прорывалось сухое марево Голодной степи, которая веками не знала воды и только теперь, несмотря на все тяжести войны, кое-где начинала дышать влагой. Степное марево, приближаясь, опаляло щеки, как пламя из открытой печи.

Гафур Гулям был весел (он всегда веселился и поражал жизнелюбием), нараспев, очень музыкально, читал на фарси Омара Хайяма; Ахматова попросила перевести. Гафур прочел еще раз, а Сайида, строку за строкой, как подстрочник, переводила на русский, объясняя что-то по пути. Вдруг она заметила, что губы Анны Андреевны безмолвно шевелятся. Сайида замолчала. Это было чудо – три поэта своей особой интуицией почувствовали поэтическую волну поэта четвертого. Она пошептала что-то и внезапно прочла вслух:

*Если пьешь ты вино, только с умным дели его, друг.  
Иль с красавицей тюльпаноликой, стыдливою, друг.  
Много лучше не пей и грехов своих не открывай,  
Пей один, пей тайком эту чашу счастливую, друг.*


Это было удивительным примером сотворчества, того, что я называю дружбой вдохновений. Ритмичная, прелестная по своей певучей пластике мелодия персидского рубайи, русский с узбекским акцентом язык Сайиды Зуннуновой и, наконец, мягкий, удлинённый по-восточному, на нежном русском языке перевод Ахматовой, точный по смыслу и с риффом (рифмой) Хайяма).

Я должен сказать, что преемственность великой поэзии продолжалась. Совсем недалеко от этого дома эвакуированных писателей родился и провел свое детство ташкентский поэт Александр Файнберг. Одно из самых знаменитых его стихотворений посвящено реалиям того военного Ташкента 1943 года:

*Над мастерской сапожника Давида  
На проводах повис газетный змей.  
Жара. По тротуару из камней  
Стучит к пивной коляска инвалида.  
Полгода как свихнулась тетя Лидя.  
Ждет писем от погибших сыновей.  
Сопит старьевщик у ее дверей,  
Разглядывая драную хламиду.  
Плывет по тылу медленное лето.  
Отец народов щурится с портрета.  
Под ним – закрытый хлебный магазин.  
Дом в зелени. Приют любви и вере.  
Раневскою добытый керосин.  
Ахматовой распахнутые двери.*

В Ташкенте во дворе школы № 64 стоит примечательный памятник-обелиск погибшим школьникам – тем, кто, получив аттестат зрелости, ушел отсюда на фронт и не вернулся в родной Ташкент.

По этому списку на обелиске, видно, что эти мальчики-ташкентцы были представителями разных



*Этот мальчик – самый трагический персонаж ташкентской эвакуации. Несмотря на свои 16-17 лет был блестяще образован, говорил по-французски лучше учителей в школе, бесподобно ориентировался в мировой литературе и искусстве. Георгий Эфрон, описанный в некоторых писательских дневниках, как неприятный тип, открывался в своих собственных письмах и дневниках, объясняя своё поведение. Часто на улице его спрашивали: это правда, что ваша мама повесилась? И на эту ужасающую взрослую бестактность, этот совершенно одинокий мальчик вынужден был отвечать: «Марина Ивановна всё сделала правильно»*

национальностей. И среди этих фамилий – фамилия Эфрон. Это сын Марины Цветаевой – Мур, как она его называла. Георгий Сергеевич Эфрон. Он окончил десятилетку в Ташкенте. В эти трудные эвакуационные годы он как сын замечательной писательницы, погибшей в Елабуге, был под присмотром Союза писателей. И здесь его опекали Алексей Толстой, Анна Ахматова, Корней Иванович Чуковский, который все военные годы тоже прожил в Ташкенте. Георгий Эфрон оставил после себя дневники, которые содержат ценную информацию о последних годах жизни Марины Цветаевой, а также о времени пребывания их семьи во Франции. Характеристики людей из круга «невозвращенцев», с которыми они общались, бесспорно, дают важный материал историкам. Среди ташкентских друзей Эфрона был Рафик – Рафаил Хадиевич Такташ, академик Академии художеств Узбекистана, известный искусствовед. Он, к сожалению, так и не прочитал посвященные ему страницы воспоминаний Мура, где он очень тепло отзывался о своем друге Рафике. Здоровье его уже подводило,



*Соломон Михоэлс и Алексей Толстой в роли плотников. Ташкент. 1942 г.*

ему было очень много лет.


А по фамилии вы, наверное, догадались. Такташ – это Хади Такташ – великий татарский поэт XX века. А Рафаил – его сын. Всю войну он прожил в Ташкенте.

В этом городе было очень много детей великих родителей, например, дочь Сергея Есенина – Татьяна. Она приехала в Ташкент в 1941 г. Здесь она прожила и проработала 50 лет, здесь же она и похоронена. Дочь великого поэта была журналистом главной русскоязычной газеты Узбекистана «Правда Востока». Сначала она была литсотрудником, а затем корреспондентом по Бухарской области, вела обширную корреспонденцию, но подписывала ее псевдонимами. И только когда в Ташкенте в 1962 г. вышла ее первая книга «Женя – чудо XX века», она была подписана ее настоящей фамилией – Татьяна Есенина. Это тоже Ташкент тех военных лет с продолжениями в наше время.

В военные годы в Ташкенте жил и работал известный советский писатель Алексей Николаевич Толстой. Здесь завершал он свой роман «Петр I», написал много публицистических работ, антифашистское произведение «Рассказы Ивана Сударева», и, пользуясь большим авторитетом, фактически являлся представителем Союза писателей страны в Ташкенте.

В Ташкенте в эвакуации находился и актер Соломон Михоэлс со всем своим театром. Соломон Михоэлс и Алексей Толстой играли роли в скетче, написанном Толстым специально для одного из капустников. Сохранилось свидетельство того, что они однажды до такой степени вошли в актерский раж, что стали импровизировать, продолжив спектакль на достаточно длительное время.

В 1942 г. всю писательскую группу в Ташкенте всколыхнула весть – один из ее членов получил Сталинскую премию I степени. Это был Василий Григорьевич Янчевецкий, который подписывал свои книги как Василий Ян. Роман, за который ему выделили премию, был исторический и назывался «Чингисхан». Эту книгу читают сегодня во всем мире. Василий Григорьевич – человек старой закалки, российский журналист, который объездил весь мир, был в Европе,



*Василий Ян*

Америке, Японии. В начале XX в. еще будучи молодым офицером, он служил в наших краях. В своих странствиях на верблюде через Афганистан и Иран задумал создать роман о Чингисхане.

Публикация этого новаторского романа в 1939 г. была сопряжена с большими трудностями, так как и тема его, и содержание были не очень созвучны тому времени сталинских репрессий: роман о деспотизме, но одновременно и о защите от жестоких завоевателей. Параллельно он работал над «Батыем» – второй частью своей знаменитой трилогии «Нашествие монголов».

В произведениях Яна воссоздано такое далекое от нас время, что можно изучать историю Средней Азии по его роману «Чингисхан». Василий Григорьевич все военные годы прожил в Ташкенте. Практически весь период эвакуации пришелся на создание мемуаров под названием «Хрустальные дали Азии». Он жил и трудился до середины 1950-х годов, издав все три книги его знаменитой трилогии: «Чингисхан», «Батый» и «К последнему морю». А деньги, которые он получил как Сталинскую премию, писатель передал в фонд обороны. Как рассказывают, на Курской дуге фашистов громили танки, на которых было написано «Чингисхан».

В военное время в Ташкенте жил великий белорусский писатель и поэт Константин Мицкевич, известный под псевдонимом Якуб Колас. Сохранились очень интересные воспоминания его сына о жизни Якуба Коласа в эвакуации в Ташкенте. Являясь одним из главных представителей антифашистского всемирного комитета, он выезжал на съезды в прифронтовые города и вновь возвращался в Ташкент, к которому очень привык и который полюбил. Вспоминается его стихотворение «Бушует Салар». Поэт вложил в слово «бушует» большой иносказательный смысл, так как Салар это маленькая речушка и очень трудно представить ее бушующей.

В 1942 г. правительство СССР решило освободить находящиеся в лагерях интернированных служащих польской армии, которые в 1939 году с развернутыми знаменами перешли на сторону СССР и хотели воевать с фашизмом, а получили ГУЛАГ. И



*Якуб Колас с Сергеем Городецким, Эди Огнецвет на торжественном заседании, посвященном 60-летию Якуба Коласа. Ташкент, 2 ноября 1942 г.*

*Портрет Анны Ахматовой работы Юзефа Чапского*

вот в 1942 г. в Ташкенте была сформирована дивизия, даже целая армия, во главу которой поставили генерала Владислава Андерса. В его штабе работал замечательный художник и поэт Юзеф Чапский. Он заведовал связями с прессой, как сегодня говорят, и он был хорошо знаком с Алексеем Толстым. Толстой познакомил Чапского с Анной Ахматовой в Янгиюле, где находились летние лагеря. И эта встреча польского поэта и русской поэтессы сыграла в жизни Анны Андреевны большую роль. Ахматова даже писала в одном из стихотворений о Чапском:

*В ту ночь мы сошли друг от друга с ума,  
Светила нам только зловещая тьма,  
Свое бормотали арыки  
И Азией пахли гвоздики.*

Юзеф Чапский нарисовал портрет Анны Ахматовой уже после ее смерти, в 70-е годы, где-то в Париже. Он был модернистом, художником нового направления, и портрет у него, с одной стороны, душевный, а с другой стороны, видно, что это не реализм. О Чапском долго не вспоминали в Ташкенте, только, наверное, католическая польская диаспора, потому что он так и не попал на свою родину, жизнь его прошла в эмиграции. Он рассматривался не как великий деятель культуры, а как андерсовский офицер. И вот только в 1992 г., к 50-летию этих событий в Узбекистане были поставлены памятники полякам, погибшим в борьбе против фашизма, тем самым была отдана честь памяти офицерам и солдатам армии генерала Андерса, которую так и не вооружил Советский Союз. Более 100 тысяч поляков без оружия отправили в Иран, где, вооружившись оружием союзников, они покрыли себя славой в боях против фашистов в Северной Африке и на Ближнем Востоке. В их честь в разных городах Узбекистана стоят памятники. На одном из них, установленном у католического храма в Ташкенте, изображен знаменитый горжет. Это специальный




*Памятник польским солдатам и офицерам, интернированным в Узбекистан в годы войны*

воротник польских гусар для защиты шеи и горла от мечей и других видов холодного оружия. В последствии он стал символом благородства и указывал на рыцарский статус его обладателя. Это удивительный памятник, на двух языках – польском и узбекском. Он черно-белый потому, что эти события не имеют до настоящего времени однозначной оценки. Дело в том, что на черной стеле, размещены названия лагерей на территории Узбекистана, где были размещены воины этой армии.

В нашей стране глубоко чтут 9 мая – День памяти и почестей, всех тех, кто помогал выстоять в тяжелой борьбе с фашизмом. Ташкент сыграл здесь не самую последнюю роль. Недаром его называют собратом военных городов-героев.

И это совершенная правда.

**Борис Голендер.**  
Писатель, краевед.



# Аллома

**Х**Х асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимизда жаҳонда тан олинган илмий мактаблар яратган алломаларимиз қаторида, албатта, математик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг (1920-1988) номини эслаб ўтиш жоиз.

Бу йил кенг илмий жамоатчилик академик С.Х. Сирожиддиновнинг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ҳаёт йўли ва илмий-педагогик фаолиятига бағишланган туркум мақолалар чоп этилмоқда, кинофильмлар яратилмоқда, илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Биз ушбу мақоламизда буюк олимнинг ҳаёт йўли, унинг бошидан кечган бахтли онлар ва фожияли дамларга оид айрим лавҳаларни ёшларимизга сабоқ бўлиши учун келтирмоқчимиз.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ўзбекистоннинг миллионлаб фуқаролари қатори С.Х. Сирожиддинов ҳам фронтга сафарбар қилинди. У Ленинободда (ҳозирги Хўжандда) ташкил этилган қисқа муддатли метеорология курсларини тугаллаб, Қора ва Каспий денгизларида метеовазиятни башорат қилишдек масъулиятли ишга жалб этилади. Гап шундаки, ушбу денгизларда сузиб юрган ҳарбий кемалар ўзларини яшириб юриб душманга кутилмаганда хужум қилиш ва кемаларни қайтариб бандаргоҳларга (портларга) олиб киришда туман, булут каби об-ҳаво шароитларидан кенг фойдаланган. Ёш олим С.Х. Сирожиддинов жалб этилган гуруҳнинг вазифаси ана шундай ҳолатларни математик моделлаш асосида олдиндан башорат

қилишдан иборат бўлган.

Уруш тугагандан кейин анча йиллар ўтиб ҳам Саъди Ҳасанович бу мавзуда ишлашни давом эттириб В.А. Бугаев, В.А. Жоржио каби атокли метеоролог олимлар билан ҳамкорликда изланишлар олиб борган.

Саъди Ҳасановичнинг туғишган укаси Абдуманнон— Ҳасановнинг хотираларида ўша кезларда бўлиб ўтган бир қизик воқеа келтирилган. Кунлардан бир кун Саъди Ҳасанович Астрахан шаҳрида ўзининг собиқ талабасини учратиб қолади. Ўша ўзбек қизи авиаполкда штурман бўлиб хизмат қилиб, ҳатто бир нечта медаль ва орденлар билан тақдирланишга улгурган экан. У домласидан авиаполкда эҳтимоллар назариясидан маъруза ўқиб беришни илтимос қилади. Саъди Ҳасанович маъруза ўқиш учун залга кирганида аввалига ўзини йўқотиб қўяди. Чунки унинг қаршисида парад мундирларда кўкраклари орден ва медалларга тўла офицерлар ўтирар эди. Домла Сирожиддинов эса улар қаршисида ранги ўчиб кетган гимнастёркада, эски пойабзалда, ўта озиб кетган, сочи қирдирилган аҳволда турар эди. Домлани кўриб учувчилар ўрнидан туради ва бир подполковник ҳарбий қадам билан унинг қаршисига келиб, ҳарбий полкнинг офицерлари маъруза тинглаш учун тўлиқ таркибда йиғилганлари ҳақида рапорт беради.

Саъди Ҳасанович унча-мунча вазиятларда таслим бўлмайдиганлардан эди. У маърузасини қатта илҳом ва шиддат билан гулдурос қарсақлар остида яқунлайди. Шундан кейин ҳарбийларнинг



**Ушбу 1928 йилда тасвирга олинган фотосурат С.Х. Сирожиддиновнинг илк сурати бўлса керак. Расмда тикка турган – Саъди Ҳасановичнинг онаси Хабиба Сирожиддинова (кейinchалик Саримсоқова), марказда – оналари Зебунисо. Уларнинг ўнг томонида дўппида – Саъди Ҳасанович (8 ёшда), унинг олд томонида ўтирган – укалари Абдуманнон**

илтимосига кўра у яна бир неча марта маъруза ўқиб беради. Тингловчилар ҳатто уни авиаполк ҳисобидан озиқ-овқат паёғи олишга бириктириб қўйишади. Шундан кейин С.Х. Сирожиддиновнинг моддий аҳволи бир оз яхшиланади.

Урушдан кейин Саъди Ҳасанович Тошкентга қайтиб келади ва устози В.И. Романовский раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Истеъдодли математик В.И. Романовский Ўзбекистонга 1918 йилда Петрограддан кўчиб келган бўлиб, у мамлакатимизда замонавий математика фанига асос солган олимлардан бўлган. Ҳозирда ЎЗР ФА Математика институти унинг номида.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида Тошкентда бўлиб ўтган анжуманларнинг бирида Москвадан келган атокли математик А.Н. Колмогоров ҳам қатнашади. Саъди Ҳасанович билан бўлиб ўтган учрашув Колмогоровда яхши таассурот қолдиради. У, ҳатто, бу ёш истеъдодли математик билан олдинроқ танишмаганидан афсусда эканини ҳамкасбларига айтган экан. А.Н. Колмогоров домлани Москвага таклиф қилади. Саъди Ҳасановичнинг бу буюк олим билан узоқ йиллик илмий ҳамкорлиги шу тариқа бошланади. А.Н. Колмогоров унинг докторлик диссертациясига раҳбарлик қилади, 1954-1956 йилларда Москва давлат университетига ўзи раҳбарлик қилган эҳтимоллар назарияси кафедрасига Саъди Ҳасановични профессорликка ишга қабул қилади.

Юкорида қайд этилган хотираларда А.Н. Колмогоров билан боғлиқ ғоят таъсирчан ҳикоя келтирилган. У хавфли жаррохлик (кесарев кесиш) операцияси ёрдамида дунёга келган экан. Ўша даврларда кўп ҳолларда бундай муолажа ё фарзанд-

нинг, ё онанинг нобуд бўлиши билан тугарди. Врач боланинг онасидан «нима қилай?» деб сўраганда, у ҳеч иккиланмасдан: «Боламни сақлаб қолинг», деган экан.

А.Н. Колмогоров онасининг бундай қурбонлигини умри давомида оклашга ҳаракат қилди. У жаҳоннинг етук математикларидан бири бўлиб етишди ва бу фаннинг турли соҳаларини ўта муҳим кашфиётлар билан бойитди. Жумладан, унинг сайёрамиз атмосферасидаги турбулент жараёнларни моделлаштириш ва назариясини яратишга бағишланган ишлари бугунги кунда жаҳон астрономлари томонидан ҳам кенг қўллаб келинади. Чунончи, камина узоқ йиллар давомида Майданак обсерваторияси астроиклими соҳасида тадқиқот олиб бориб, Ер атмосфера-сидаги турбулент жараёнларини ўрганишда А.Н. Колмогоров фанга киритган «турбуленция масштаби» ва бошқа параметрлар қийматларини аниқлаш ва талқин қилиш билан кўп шуғулланганман.

А.Н. Колмогоров математик таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор берган. Балки домла Сирожиддинов мамлакатимизда математика соҳасидаги таълимни ривожлантиришга устозидан ўрнак олиб киришган бўлиши ҳам мумкин.

Саъди Ҳасанович ўта ҳазилкаш, ҳатто турли вазиятлардаги масалаларни ҳам ҳазил-хузул орқали ҳал қилар эди.

Менинг отам – Абдуманноп Эгамбердиев ва онам – Ҳалимаҳон Саримсоқова турмуш қуришга аҳд қилганларидан кейин бўлажак куёв билан суҳбатлашиб, танишиш оила номидан онанинг тоғаси Саъди Ҳасановичга топширилади. У кўп бошини қотириб ўтирмасдан бу масалани оригинал йўл билан ҳал қилади. Гап шундаки, Саъди Ҳасанович отамни ўзларининг Қорасувдаги ҳовлисига шанбалikka таклиф қилади. Отамнинг:

– Оилангизнинг йиғилишига менинг дабдурустдан кириб боришим қандай бўлар экан?! – деган ҳадигига Саъди Ҳасанович:

– Бу ёғидан хавотир олманг. Мен сизнинг кимлигингизни айтмайман, уйдагиларга сизни аспирантим деб таништираман, – деб жавоб беради.

Аслида, Саъди Ҳасанович отамнинг кимлигини ҳаммага айтиб чиққан экан. Шу тариқа бўлажак куёв тўғрисида таассурот барча оила аъзолари томонидан ҳосил қилинган ва ота-онамнинг фотиҳасига розилик бериш масаласи кўпчиликнинг фикри асосида ҳал этилган.

Саъди Ҳасанович нафақат ўзи ҳазиллашишни, балки яхши ҳазилни ҳам ҳис эта оладиган инсон бўлган.

Қунлардан бир кун мен отам билан Саъди акани йўқлаб уйларига борган эдик. Ўшанда отам бир кизиқ ҳикояни айтиб берган. Маълумки, Наполеон Бонапарт илм аҳлини ниҳоятда қадрлаган ва уларни муҳим давлат лавозимига қўйган. У ҳат-



то машхур математик Пьер Лапласни Франциянинг ички ишлар вазири лавозимига тайинлаган. Лаплас бу ишни умуман удалай олмаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейин уни лавозимидан бўшатишга мажбур бўлган.

Яна бир Франция академияси аъзоси, атокли ёзувчи Бернарден де Сен-Пьер Наполеон ҳузурига келиб, дифференциал ҳисобини билмаслигини рўқач қилиб, академияда уни менси-маётганликларидан шикоят қилади.

Наполеон эса уни таажжублантириб:

– Дифференциал ҳисобни билмас экансиз, академия аъзоларидан қандай иззат-эътибор кутишингиз мумкин? – деган экан.

Саъди Ҳасанович бу ҳикояни эшитиб, роса мазза қилиб кулгани эсимда. Ҳазилкашлик фазилати унга отаси Махзум дададан ўтган бўлиши керак. Ёшлигимда мен Қорасувдаги ўша ҳовлида кўп бўлганман ва катта бобом Махзум дада билан «сухбат»лар қурганман. 50-йилларда у пенсия ёшида эди. Кўпинча оқ яхтак, тўн ва махси кийиб, ҳовлиснинг шийпонида тасбех ўтириб ўтирар эди. Кунлардан бир кун мен унинг ёнида ўйнаб ўтириб:

– Сиз қаерда ишлайсиз? – деб сўрабман. Гап қаерга кетаётганини фаҳмлаган катта дадам (ўша вақтларда менинг дадам Андижон вилоят партия кўмитаси (обкоми)да масъул лавозимда ишлар эди):

– Қаерда бўларди, обкомда-да, – деб жавоб берган экан.

Мен отам доим костюм ва галстук такиб юргани, катта бобомнинг либослари эса обкомда ишлайдиган амалдорнинг кўринишига мос келмаслигидан у кишининг жавобидан ҳеч коникмас эдим. Катта бобом эса мени «жиғимга тегиб», ўз фикрида катъий турарди. Нихоят мен:

– Сиз обкомда қоровул бўлиб ишласангиз керак, – дебман, денг!

Махзум дада умрининг охиригача бу воқеани оила йиғинларида эслаб юрар эди.

Махзум даданинг учта ўғли бўлган. Улар турли соҳаларда фаолият олиб бориб, мамлакатимиз обрў-эътиборини оширишга сидқидилдан хизмат қилишган. Саъди Ҳасановичнинг акаси Бурҳониддин Сирожиддинов умрини ҳарбий соҳага бағишлаган. У генерал-лейтенант лавозимига эришиб, Ўрта Осиёда жойлашган ички ишлар вазирлигига қарашли дивизияга кўмондонлик қилган. Унинг ҳарбий қисмлари бутун Ўрта Осиё бўйлаб жойлашган. Шундай жиддий ташкилот қошида Бурҳониддин Ҳасанович ўзбек миллий ансамблини ташкил этган. У ердан қатор санъаткор кўшиқчилар етишиб чиққан. Жумладан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида машхур бўлган Икромжон Бўронов ҳам ўша ансамблда оддий солдатдан Ўзбекистонда хизмат



*Саъди Ҳасанович оналари Ҳурमतой ая ва оталари Ҳасан (Махзум) дада билан. 1930 йиллар*

кўрсатган артист даражасигача улғайиб шаклланган. Саъди Ҳасановичнинг укаси Абдуманнон ака эса геология соҳасида таникли мутахассис, геология-минералогия фанлари доктори бўлган. У узок йиллар «Ўзбекгидрогеология» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмаси ва унинг таркибидаги «Гидроингео» институтига раҳбарлик қилган.

Чет тилларни ўрганишда ҳам Саъди Ҳасановичнинг укуви яхши эди. У математиклар учун муҳим бўлган француз тилини мукамал билган ва чет элларга борганда ўз маърузаларини шу тилда қилган. У 50-60-йилларда фаннинг асосий тилига айланиб келаётган инглиз ва немис тилларини ҳам хийла яхши билган. Москва давлат университетида ишлаб юрган даврида эса у грузин математиги, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Андро Бицадзе ва унинг аспирантлари билан мулоқот қилиш давомида грузин тилини ҳам ўрганиб олган эди.

Кунлардан бир кун Саъди Ҳасанович ҳамкасби академик Тўхтамурод Жўраев фарзандининг тўйида бир грузиялик илмий тадқиқот институти директори билан ёнма-ён ўтириб қолади. Саъди Ҳасанович у билан грузинча гаплаша бошлаганида



*Бурҳон Ҳасанович Сирожиддинов (1917-1978)*



у кулоғига ишонмай рус тилида жавоб бераверган, чунки ўзбекнинг грузин тилини билиши ўта таажубланарли ҳол эди.

80-йилларнинг бошида Саъди Ҳасанович Тошкентда эхтимоллар назарияси ва статистикасига бағишланган халқаро Бернулли конгрессини ташкил этишга киришади. Қандайдир сабабларга кўра, бу ташаббус чет эллик ҳамкасблар билан келишилганидан сўнг бир оз вақт ўтиб, бу хабар Москвага етиб боради. СССР Фанлар академиясининг мутасадди ходимларининг раҳки келиб бундай йирик анжуманни Тошкентда юқори савияда ўтказиш мумкинлигига шубҳа билдиришади ва симпозиумни Москвада ўтказиш керак деган таклиф билан Фанлар академияси Президенти академик А. П. Александровга мурожаат қилишади.

Александров ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида мутахассис бўлишига қарамай, Саъди Ҳасановичнинг математика соҳасида жаҳонда тан олинган олимлигини билган, шунинг учун Бернулли конгрессининг Тошкентда ўтказилиши борасида: – Тошкентда С. Ҳ. Сирожиддинов бор, у бу масалани уддалайди, – дея эътироз билдирмаган. Шундай қилиб, Биринчи Бутунжаҳон Бернулли конгресси Тошкентда 1986 йилда муваффақиятли ўтказилган. Унинг ишида жаҳоннинг 6000 га яқин математик-олимлари қатнашган.

Лекин Саъди Ҳасанович бошчилигида катта муваффақият билан ўтган халқаро анжуман ҳам 80-йилларда унинг бошига ёғдирилган мало-



**Ҳасанов Абдуманон  
Сирожиддинович (1924-2006)**

мат тошларини четга суриб ташлаб мавқеини тиклашга ёрдам бера олмади. Академик Сирожиддиновни таниган анжуман қатнашчилари орасида – «Саъди Ҳасановичнинг ишлари яхши эмас экан, у ишидан кетиши мумкин, – деган миш-мишлар ҳам тарқалган эди. Саъди Ҳасанович ҳам қандайдир ҳадикни сезган шекилли, яқинларига:

– Бу мен ўтказган сўнгги анжуман бўлса керак, – деган экан.

Ўзбекистонда Рашидовнинг вафотидан кейин (1983 йилнинг 31 октябри) ижтимоий-сиёсий муҳит ниҳоятда мураккаблашган. Бутун Республика «Пахта иши», «Рашидовчилик» каби тазйиқлар остида яшарди. Кўпгина давлат арбобларимиз ишдан олинди, уларга турли айблар қўйилиб, адолатсиз жазога тортилган эди. Миллий кадриятларимиз ҳам поймол этилган, саросимали давр ҳукм сурарди.

Домла С. Ҳ. Сирожиддиновга ҳам университет ректори сифатида «қариндош-уруғчиликка, таниш-билишчиликка йўл қўйган», деган асосиз айблар қўйилган. Бундай нохуш вазиятда Саъди Ҳасановичнинг тўғрилигидан ва ҳалоллигидан «азият чеккан» душманлари фойдаланиб, домлага нисбатан қутку кампаниясини авж олдиришган. Яқинда шарқшунос олима, академик Дилором Юсупова ўша даврда бўлиб ўтган бир воқеани гапириб берди. У отаси, узоқ йиллар «Фан» нашриётининг директори бўлиб ишлаган Юнус ака Юсупов билан Саъди Ҳасановичнинг ҳузурига қизларини бошқа институтдан университетнинг шарқшунослик факультетига ўқишга ўтказишга ёрдам беришларини илтимос қилиб боришади. Дарвоқе, Саъди Ҳасанович Фанлар академиясида ишлаган йиллари Юнус ака билан биргаликда кўплаб китобларни чоп эттиришган. С. Сирожиддиновнинг илмий изланишларида ўрта аср математика ва астрономиясига оид мавзулар салмоқли ўрин эгаллаган. Жумладан, унинг таҳририда чоп этилган «Из истории науки эпохи Улугбека» («Улугбек даври илм-фани тарихига оид лавҳалар») тўплами бугунги кунда ўша даврга оид муҳим манба ҳисобланади. Ўша китобда Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фондида сақланаётган Мирзо Улугбекнинг сафдоши Жамшид Қошийнинг отасига ёзган хати ҳам киритилган. Мирзо Улугбек ва Самарқанд расадхонаси ҳақида муҳим маълумотларни ўз ичига олган бу манбани Дилором Юсупова рус тилига таржима қилган ва изоҳлар билан тўлдирган. Анча вақтдан бери чоп этилмай ётган бу муҳим қўлғамани С. Ҳ. Сирожиддинов тўпламга киритган. Саъди Ҳасанович Фанлар академиясига ишга ўтган 1972 йили атоқли шарқшунос олим Асомиддин Ўринбоев томонидан Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур давлати тарихига бағишланган «Зафарнома» қўлғамасининг мукаммал матни факсимилеси чоп

этилади. Мукамал матн деганда асарнинг бир неча кўлзмадан ўчиб кетган жойлари ва хатолари тўғрилланган матни тушунилади. Бу, сўзсиз, тарихимизнинг зафарли саҳифаларини очиб берувчи манбани чоп эттириш шарқшунослик фанида муҳим босқич эди. Лекин ҳамма ҳам шундай фикрда бўлмаган. Бу «қилмишлари» учун олимларимиз, жумладан бундай «хатога йўл қўйдирган» Саъди Ҳасановичнинг бошига кўплаб маломат тошлари ёғдирилган. Энг ачинарлиси – бу ишни марказдан келган текширувчилар эмас, балки ўзимизнинг «маҳаллий» мансабдорларимиз қилган. Иш шу даражада жиддий тус олганки, ҳатто «Зафарнома»нинг таркатиб улгурилмаган нусхалари «Фан» нашриёти босмаҳонасининг ҳовлисида ёқиб ташланган.

Миллатпарвар ўқувчи мени кечирсину, лекин бундай вазият Болтикбўйи ёки Кавказорти республикаларида рўй беришини тасаввур қилиш қийин. Ахир бу кенг оммага мўлжалланмаган, тор доирадаги мутахассислар учун тайёрланган бир тарихий манба эди холос. Бироқ ўша пайтларда бундай тушунтиришлар ҳам қор қилмаган шекилли.

«Зафарнома»нинг Ўринбоев тайёрлаган мукамал матнини рус тилига Саъди Ҳасановичнинг шогирди математик ва шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов мустақиллик даврида таржима қилган. Энди бу асардан аксарият ватандошларимиз баҳраманд бўлишлари мумкин. Ана шундай можароларда дўстлиги ва ҳамкорлиги чиникқан Юнус ака Юсупов илтимос билан университет ректори хузурига борган эди. Лекин Саъди Ҳасанович Юнус акага қараб,

– Эҳ, Юнус ака, Сиз менга қилган яхшиликларингизга битта эмас ўнта неварангизнинг ўқишини университетга кўчиришга ёрдам беришга тайёрман. Сизнинг илтимосингиз бу оддий иш, лекин ҳозир мен ҳеч нарсани ҳал қилолмайдиган ҳолатга тушиб қолдим – дейди.

Ташқарига чиқишганида Юнус ака Дилором опага қараб, ўта таажубланиб:

– Мен ўта оғир вазиятларда ҳам С.Ҳ. Сирожидиновни бундай тушкунликка тушиб қолган ҳолатда кўрмаганман. Аҳвол анча оғир шекилли, – деган экан.

Ўша пайтларда С. Ҳ. Сирожидиновнинг қайнотаси қазо қилиб қолади. У ҳовлисида йиғилган яқинларидан узор сўраб:

– Мен жанозага бора олмаيمان. Қабристонда менинг душманларим университет ректори диний маросимда қатнашганлигини фош этиш учун пойлаб туришибди, – деган экан.

Ҳа, 80-йилларда мана шундай оғир вазият ҳукм сурган. Айрим коммунистик мафқуранинг пешволари ўзини «марказга» кўрсатиш учун одамларни ўз яқинлари дафн маросимларида қатнашишдек муқаддас бурчларини адо этишни ҳам чеклаб қўйишган эди. Яна бир атокли фан арбобимиз Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев ҳам отасининг жанозасида қатнаша олмаган. Ўша пайтда у Фанлар академиясининг президенти лавозимида ишлар



*Саъди Ҳасанович МГУда семинарда. 1970 йиллар*

эди. Отасининг маракасида ош берилганда ҳам у ўзи қатнашмаган. Лаганлар бўшагандан кейин ўша вақтдаги Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсупов меҳмонларни олдига қўлини кўксига қўйиб бориб:

– Келганларинг учун раҳмат! Раҳмон Раҳимовичга ҳамду саноларни уйларида айтарсизлар, – деб, омин қилинишига ҳам йўл қўймасдан маросимга келганларни кузатган.

Саъди Ҳасановичга ҳужумлар авжига чиққан кунлардан бирида университетнинг катта залида мажлис ўтказилиб, унинг шаънига душманлари томонидан роса бўҳтон ва айблар ёғдирилган. Минг афсуски, ундан кўп яхшилик кўрган, марҳаматидан фойдаланган биронта шогирди ва ҳамкасби унинг ёнини олиб гапиришга журъат этолмаган. Домла ҳеч кимга индамасдан, залдан чиқиб кетади ва университетга бошқа қайтиб келмайди.

Бу воқеадан кўп ўтмай, Саъди Ҳасанович 68 ёшида қалби тўла ғам-алам билан дунёдан кўз юмади.

Унинг ижодий имкониятлари ҳали сўнмаган эди. У кўплаб илмий асарлар ёзиши, юқори малакали математикларни тайёрлаши мумкин эди.

Академик Саъди Ҳасанович бу дунёни бевақт тарк этиши барча шогирдлари, ҳамкасблари учун фожиа бўлди. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, бу фожиа барчамиз учун катта сабоқ бўлиши керак.

Истеъдодли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъат ва маданият арбоблари ҳар куни дунёга келарвермайдилар. Уларни асраш ва эъзозлаш барчамизнинг бурчимиз. Бу борада мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг тутган йўли бизга ибрат бўлиши керак.

Шухрат Эгамбердиев.  
ЎЗР ФА Астрономия институти.


# ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ

*Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 25 январидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизда коррупция шллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга зов бўлаётганини қайд этиб: «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз» деган эди.*

*Куйида мумтоз адабиётимиз ҳамда тарихий манбаларимиздан ёшларимиз учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ибратли ҳикояларни келтирамиз.*

## **Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан «Тўғрилиқ васфи» (насрий баёни)**

Эшитишимча, бир шоҳга бир устунлик каср куриш орзуси тушган. Шундан кейин, унинг хиз-



матчилари қидира-қидира бир тўғри ўсган бакуват дарахт топганлари, аммо унинг эгаси бир қари кампир бўлиб, ёғочи учун ўн баробар, балки юз ва балки минг баробар ҳақ берсалар ҳам кўнгли тўлмабди. Олди-сотди ишлари битавермагач, ниҳоят, кампирнинг талабини кондириб, ёғоч оғирлигида олтин тортиб берибдилар. Кейин, ўша бир устунлик касрни куриб битказганлар. Кўнларнинг бирида шу иморатни томоша қилишга келган кампир гавҳарлар билан безатилган устунни кўриб:

«Сенинг тўғрилигинг, ўзингни ҳам, мени ҳам олтинга кўмди!» – деган экан.

Бир тўғри ўсган дарахт кишини шунчалик бахтиёр қиладиган бўлса, тўғри ва ҳалол бир одамнинг қилган ишини, унинг фазилатларини таърифлаб битириш мумкин бўлармикан? Хусусан, у адолатли бир шоҳ бўлса, жаҳондаги шоҳларнинг энг улуғи ҳисобланиши мумкин. Агар шоҳ, худо кўрсатмасин, тўғрини кўйиб, эгри йўлдан юрадиган бўлса, ундай одам шоҳликдан воз кеча қолгани ҳам яхшироқдир. Бировларнинг шоҳлик муҳри остида бир мамлакат бўлса-ю, шу муҳри борлиги туфайли у тахтга чикиб ўтирса, бундай кишига «куч ростлик ва тўғрилиқ-дадир!» – деган шиор жуда қўл келади. Йўкса, тўғри бўлмаган одамда қачон ҳурмат ва қудрат бўлур эди?

## **Ҳалоллик баҳоси**

Вид гуппи относится к роду Пецилия – одному из самых разнообразных в семействе. В русскоязычной литературе еще встречается и старое название этого рода – Моллинезия. Почти все виды пецилий популярны у аквариумистов. Среди них встречаются довольно крупные виды. Например, пецилия велифера (она же моллинезия-велифера или парусная моллинезия) может вырастать до 20 сантиметров. Самой мелкой рыбкой семейства также является пецилия с говорящим названием минор, размеры которой не превышают 2.5 см (некоторые авторы выделяют их в отдельный род).

### Меченосцы

Не менее популярен у начинающих аквариумистов другой род пецилид – Меченосцы. Название свое они получили за характерную, мечевидно удлиненную, нижнюю лопасть хвостового плавника самцов. Как и у всех пецилиевых, самки меченосцев крупнее самцов. Несмотря на грозное название,



*Xiphophorus helleri* или Меченосец Геллера

меченосцы вполне мирные рыбки, и их можно держать в одном аквариуме с представителями других видов. Разве что с гуппи не стоит этого делать. Меченосцы могут ободраť самцам гуппи их роскошные хвосты.

### Амазонки среди рыб

Одной невзрачной рыбке удалось выделиться особой формой размножения даже в ряду удивительных живородок. Амазонская моллинезия обитает в водоемах Мексики, а название свое получила отнюдь не в честь великой реки. Правильней было бы перевести английское «Amazon molly» как «моллинезия-амазонка», так как это отсылка к легендарным женщинам-воительницам из греческой мифологии. Дело в том, что почти все особи этого вида являются самками. Крайне редко встречающиеся самцы того же вида стерильны, и в размножении генетически не участвуют. Таким образом, вид счи-



*Poecilia velifera* или Парусная моллинезия

тается однополым. Оговорка «генетически» требует некоторого пояснения.

Самцы, в определенном смысле, амазонкам все же нужны. Спермий дает толчок развитию икринки, но не оплодотворяет ее. Другими словами, генетический материал самца не попадает в яйцеклетку, несущую полноценный двойной набор хромосом. Из фактически неоплодотворенной яйцеклетки развивается самка, являющаяся генетическим клоном матери. Где же самкам найти такое количество самцов, ведь их почти нет в популяциях амазонок? В природе амазонские моллинезии обычно спариваются с самцами других видов пецилий. Такая форма размножения называется гиногенез. Она встречается и у наших карасей.



### Другие пецилиевые

Большинство рыб семейства Пецилиевые – популярные объекты декоративного рыбоводства. Их можно рекомендовать начинающим аквариумистам-любителям. Почти все пецилиды мирные стайные рыбки, и могут содержаться с другими видами. Исключением являются сарганощуки рода Белонезокс, обитающие в Центральной Америке. Они не только внешним видом, но и повадками напоминают щуку.

Для приобретения опыта в домашнем содержании рыб можно сачком отловить гамбузий в наших водоемах. Однако не стоит держать в одном аквариуме с гамбузиями декоративных рыбок. Гамбузии достаточно агрессивны и обдирают плавники соседям. Кроме того, дикie рыбы могут быть носителями паразитов и инфекционных болезней, к которым сами имеют определенный иммунитет. А вот изнеженные аквариумные рыбки восприимчивы к болезням, и могут погибнуть. Поэтому, если вы решили завести декоративных рыбок в том же аквариуме, где ранее жили гамбузии или другие дикie рыбы, необходимо предварительно продезинфицировать емкость.

Эрнест Хуршут.


Центр геномики и биоинформатики АН РУЗ.



## КУЁШНИНГ ХАЛҚАСИМОН ТУТИЛИШИ

2020 йилнинг 21 июнида Куёшнинг навбатдаги тутилиши содир бўлди. Одатда Куёш тутилишлари уч хил бўлади: тўла тутилиш, бунда Куёш гардишини Ой тўлиқ тўсади, қисман тутилиш ва ҳалқасимон тутилиш. Бу сафарги жараён Ой сайёрамизга яқинроқ жойлашганида (бинобарин унинг бурчак ўлчами сал кичикроқ бўлганида) рўй берди ва шу туфайли Ой Куёшни тўлиқ тўсолмади. Ой гардишининг атрофида ёрқин Куёш ҳалқаси кўринди. Ҳалқасимон тутилиш Африка худудида бошланиб эни, тахминан, 250 км ташкил этган йўлак бўйлаб силжиб Хитойнинг шарқий ҳудудларидан ўтиб Тинч океанда тугади. Тутилишнинг максимал фазасида ушбу йўлак ичида Ой Куёш дискининг 99,4% ини ёпди ва бу ҳолат 38 секунд давом этди. Мамлакатимиз ҳалқали тутилиш йўлагининг ташқарисида жойлаганлиги туфайли бизда Куёшнинг қисман тутилиши кузати-

Куёшнинг ҳалқасимон тутилиши. Тасвир Тайвандаги Юнлин шаҳрида олиниб, Тошкентга онлайн узатилган



ди. Тутилишнинг энг катта фазаси (63%) Термиз шаҳрида кузатилди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида эса ушбу кўрсаткич 51% ни ташкил этди.

ЎзР ФА Улуғбек номидаги Астрономия институти ходимлари кузатишни ҳалқасимон тутилиш йўлагига жойлашган мамлакатлар астрономлари билан ҳамкорликда олиб боришди ва жараённи онлайн (бевосита рўй берган вақтнинг ўзида) кузатиб боришди. Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари учун ZOOM платформаси орқали видео-конференция ҳам ўтказилди. Конференция давомида Куёш тутилишлари, Куёш тожи ва доғлари ҳақида тақдимот маърузалари бўлиб ўтди. Ушбу видео-конференция YOUTUBE ҳамда «Ўзбекистон-24» телеканали орқали мамлакатимиз аҳолисига эфирга узатилиб турилди.

Шу каби кўрсатувлар Нукус, Самарқанд, Қарши, Андижон илимий-ўқув астрономик обсерваторияларидан



Ўзбекистон худудида келгусида рўй берадиган Куёш тутилишлари					
Сана\Дата	25.10.2022	01.06.2030	03.11.2032	20.03.2034	11.06.2048
Максимал фазаси	68%	51%	16%	72%	81%

Тутилишнинг ҳалқасимон фазаси Африка худудида бошланди. Эни тахминан 250 км ташкил этган Ойнинг сояси Ер юзи бўйлаб силжиб Хитойнинг шарқий ҳудудларидан ўтиб Тинч океанида тугади

ҳамда Қўқон ва Нукус давлат педагогика институтларидан маҳаллий телеканаллардан онлайн эфирга узатиб борилди.

Азизбек Матеков, Нуржамол Бердалиева.  
ЎзР ФА Астрономия институти.

# ДОБРО ПОЖАЛОВАТЬ, КОМЕТА!

«Коронавирусное» лето 2020 г. оказалось необыкновенно богатым на интересные астрономические явления. 5 июня произошло полутеневое лунное затмение, а 21 июня – кольцеобразное солнечное затмение. Правда, на территории Узбекистана мы наблюдали лишь частную фазу затмения. А в начале июля начался грандиозный парад планет, который продлится до конца осени. Во время небесного парада в течение одной ночи можно будет наблюдать Юпитер, Сатурн, Венеру, Марс и Меркурий.

И, наконец, так сказать, на десерт, еще одно очень редкое и красивое событие – в июле 2020 г. на небе Узбекистана появилась новая комета. Она была обнаружена космическим инфракрасным телескопом WISE (Wide-Field Infrared Survey Explorer), и поэтому получила название C/2020 F3 (NEOWISE). Комета NEOWISE прошла перигелий (ближайшую к Солнцу точку своей орбиты) 3 июля 2020 г., и с этого момента начала удаляться от Солнца. В следующий раз NEOWISE появится в окрестностях Земли через 6800 лет. Интересно, какую жизнь она «увидит» на Земле в 8820 году!?

Комета NEOWISE стала самой зрелищной и долго наблюдаемой кометой за последнюю почти четверть века. Любители астрономии не видели ничего лучше со времен появления кометы Хейла – Боппа в 1997 г.

Во времена невежества кометы считались предвестниками несчастий, приносящими стихийные бедствия, эпидемии и т.д. Сегодня эти необычные небесные тела «полностью рассекречены». Мы знаем, что это огромные сгустки льда, космических газов и пыли, своеобразные «грязные снежки». По мере приближения к Солнцу газы испаряются и вместе с облаками пыли увлекаются солнечным ветром. Это позволяет объяснить образование газовых и пылевых светящихся хвостов, иногда простирающихся на миллионы километров от ядра кометы. Поэтому слово «комета» означает «волосатая».

По мере удаления от Солнца процесс таяния льда и испарения газов постепенно снижается, хвост стано-



*Съёмочная группа «Ўзбек-Турист»*

вится меньше, и комета тускнеет. Некоторые кометы под влиянием гравитационного поля Солнца разрушаются. Так произошло с долгопериодической кометой C/2019 Y4 (ATLAS), которая, пролетая ближайшую к Солнцу точку своей орбиты 31 мая 2020 г., разрушилась, хотя астрономы предсказывали ей очень яркое и красочное «будущее».

После прохождения перигелия 3 июля комету NEOWISE можно наблюдать на северо-восточной части горизонта после 2 часов ночи. Но с приближением утра комета быстро скрывается в лучах утренней зари. Поэтому даже при самой лучшей видимости комету, находящуюся довольно низко над горизонтом, нелегко наблюдать невооруженным глазом. Большинство замечательных снимков кометы NEOWISE, выставленных в Интернете, получены из пунктов с широтой более 50 градусов, где она является незаходящим светилом и поднимается намного выше над горизонтом.

Юсуф Тиллаев.  
Астрономический институт АН РУз.



Фото Шарафа Эгамбердиева ©

*NEOWISE кометасининг Шароф Эгамбердиев бошчилигидаги «Ўзбек-Турист» компанияси гуруҳи томонидан олинган фотосурати. Тасвир 2020 йил 15 июлида Суронота тоғидан олинган. Ўртада Кўкбет тоғи, ўнграқда Катта Чимён тоғи. Тасвириинг ўнг томонидаги ёрқин объект – Зухро сайёраси, Унинг тепасида – Хулкар. Комета билан Зухро орасида Аравакаш юлдуз туркуми. Туркумнинг тепа қисмида унинг энг ёрқин юлдузи – Капелла жойлашган.*

*Снимок кометы NEOWISE, полученный «съёмочной» группой «Ўзбек-Турист» во главе с Шарафом Эгамбердиевым, с вершины горы Сурон-ата 15 июля 2020 г. В центре снимка гора Кокбет, а справа от нее виднеются очертания Большого Чимгана. Яркий объект справа – Венера, рядом с ней звезда Альдебаран, а выше – Плеяды. Между Венерой и кометой видна группа звезд созвездия Возничего с яркой звездой Капеллой*





## ЎЗБЕКИСТОН АМЕРИКАЛИК ЮРИСТ НИГОҲИДА: 50-ЙИЛЛАР

Ўзбекистон ўзининг кўхна шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, гўзал тоғлари ва, шубҳасиз, ажойиб таомлари ва ширин-шакар мевалари билан доимо дунёга машхур бўлиб келган. Шу сабабли, авваллари СССРга расмий ташриф буюрган юқори мартабали амалдорларнинг Москва ва Ленинградга сафари режасига кўпинча Ўзбекистон ҳам киритилган.

Меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифи яна шуниси билан аҳамиятли бўлганки, сафар давомида меҳмонларга «кардош халқлар оиласи»даги миллий республикаларнинг қандай муваффақиятлар билан ривожланаётгани ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг социалистик усуллари «устуликлари» намойиш қилинган. Одатда меҳмонларни мевали боғлар ва пахта майдонларига ташриф буюришганидан сўнг палов ва кабоб билан сийлашган. Овқатдан сўнг эса, дастурхонга шираси тилни ёрадиган қовунлар, узум ва тарвузлар тортилган. Байрам дастурхони миллий мусиқа оҳанглари ва миллий кийимдаги раққосалар рақслари жўрлигида ўтказилган. Буларнинг бари меҳмонларда кўтаринки таассурот уйғотмасдан қолмасди.

Меҳмонлар тез-тез ташриф буюрадиган ана шундай бой колхозлардан бири Тошкентдан 30 чақирим узокликда, Янгийўл туманида жойлашган миллионер «Шарқ юлдузи» колхозиди. Бир воқеани кўп эслашади. Ўзбекистон пахта тайёрлаш режасини муддатидан аввал бажарган 1956 йилда кўплаб хўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари юксак давлат мукофоти тавсия этилган. Улар

каторида икки марта социалистик меҳнат қаҳрамони, «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси Ҳамроқул Турсунқулов ҳам бор эди. Бироқ Москвадан ҳали «уч марта қаҳрамон»ларга ҳисоб очиш пайти келмаганлиги айтилган рад жавоби олинди. Бир оз вақт ўтиб, Ўзбекистонга мамлакат раҳбари – КПСС Марказқўмининг биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчев ташриф буюради. Ўзбекистонга иккинчи Ленин орденини топшириш муносабати билан ўтказилган зиёфат пайтида кимдир уни ўша воқеадан хабардор қилади. Н.С. Хрушчев ўша заҳотиёқ Москвага қўнғироқ қилиб зудлик билан Х. Турсунқуловга учинчи марта меҳнат қаҳрамони унвонини бериш ҳақида фармон тайёрлашни буюради ва бу ҳақда зиёфатга йиғилганларга тантанали равишда, гулдурас қарсақлар остида эълон қилади.

Мен 1955 йилда «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида ёзилган байрам дастурхони суратини [www.mytashkent.uz](http://www.mytashkent.uz) интернет саҳифасида кўриб қолдим. Дастурхон тўрида байрам мезбони – Ҳамроқул Турсунқулов ҳамда ўша пайтда ҳали ҳеч ким танимайдиган АҚШ адлия вазирлиги ходими Роберт Кеннеди (расмнинг чап томонида сал ўгирилиб ўтирибди) ўтиришарди. Уларнинг рўпарасида европаликларга ўхшаш кишилар (америкаликлар бўлса керак) ўтиришарди. Бу кишилар ким, улар Янгийўлга қандай бориб қолишган, бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Мен бу фототасуратга қизиқиб қолдим ва бу ташриф ҳақида маълумот йиғишга киришдим.

Даставвал ҳозирги ёшлар учун нотаниш бўлган америкалик сиёсатдон Роберт Кеннеди ҳақида

қискача маълумот бермоқ-  
чиман. У 1961 йили акаси –  
Жон Кеннедининг сайловол-  
ди тадбирларида жуда фаол  
катнашган. Америка тарих-  
чиларининг фикрича, айнан  
Роберт акасининг муваф-  
фақиятларида муҳим роль  
ўйнаган. Жон Робертни АҚШ  
Бош прокурори (адлия вази-  
ри) ловозимида тайинлади.  
Лекин Жон Кеннеди прези-  
дентлиги узокка (1961-1963)  
чўзилмади: у Далласда  
уюштирилган суиқасд нати-  
жасида ҳалок бўлди. Ушбу  
фожеадан сўнг Роберт сиёсат  
майдонидан кетишга қарор  
қилди, лекин кўп ўтмасдан  
у 1964 йилдаёқ Нью-Йорк  
штатидан сенаторликка сай-  
ланди, 1968 йилда эса, АҚШ  
президентлигига номзодини  
қўйди. Акасининг фожеа-  
ли ўлими Роберт Кеннеди



*Финляндия Президенти Урхо Калева Кекконен Ҳамроқул Турсунқулов  
колхозда меҳмонда. Янгийўл. 1959 й.*

*Президент Финляндии Урхо Кекконен в гостях в колхозе Ҳамроқула  
Турсунқулова. Янгиюль. 1959г. Автор Василий Малышев*

сиёсий қарашларини ўзгартириб юборди. У ўзининг сайловолди чиқишларида сўз эркинлиги, демократия, инсон ҳуқуқлари, камбағалликни тугатиш, кам таъминланганларнинг билим олиш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш каби унинг рақиблири тилга олмаган муаммолар ҳақида гапирар эди. Акасининг Вьетнамга қарши уруш очишдаги айбини яширмаган ҳолда у урушга қаршилар томонида турди. Роберт Кеннеди маърузаларининг муҳим жиҳатлардан бири, ҳатто ҳозирги замонда ҳам долзарб бўлиб қолаётган АҚШ афроамерикаликларининг тенг ҳуқуқчилигини амалда таъминлаш масаласи эди. Бу қарашлар унга кимматга тушди: 1968 йилда Калифорнияда сайловчилар билан учрашув пайтида бир терорчи томонидан ўточар қуролдан яраланиб ўша куниёқ касалхонада вафот этди.

Лекин Совет Ииттифокига ташриф ташаббусқори Роберт Кеннеди эмас эди. Фотосуратларда тасвирланган яна бир таниқли шахс америкалик ҳуқуқшунос ва сиёсатчи Вильям Орвилл Дуглас (1898-1980) эди. У Америка тарихида АҚШ Олий суди аъзоси лавозимида энг узок ишлаган судья бўлиб, бу ловозимда 36 йил, яъни 1939 йилдан 1975 йилгача ишлаган. Инсулт сабаб унинг истефога чиқишига розилик билдирган ўша вақтдаги АҚШ Президенти Жеральд Форд унинг баъзи масалаларда маъмурлар билан келиша олмаганига қарамай, унинг мамлакатда суд-ҳуқуқ тизмини ривожлантиришга қаратилган фаолиятини юқори баҳолаган эди.

В. Дуглас ишдан бўш пайтларида саёҳат қилишни ёқтирарди. У кўплаб мамлакатларни кезган, ҳатто Ҳимолайга ҳам борган эди. Қизиқарлиси шундаки, у ҳар бир саёҳатидан сўнг ўз кундалиқлари

асосида китоб ёзган. СССР га қилган саёҳати таасуротлари асосида 1956 йилда унинг «Россия бўйлаб саёҳат» («Russian journey») китоби чоп этилди. Таажжубки, китоб нашр этилганига кўп вақт бўлганига қарамай, уни интернетдан осонликча топиб бўлмади. Биз китобни топишда ёрдам сўраб эски дўстимиз, Стэнфорд университетининг профессори Александр Косовичевга мурожаат қилдик. Лекин у ҳам фақат компьютер экранидан скриншот нусха ололди, холос. Китобнинг интернет нусхаси фотосуратсиз эди. Бу қандайдир детектив воқеага ўхшарди. Ниҳоят, айна вақтда Денвердаги АҚШ Миллий Қуёш обсерваториясида ишлаётган шогирдимиз Шукур Ҳолиқов китобнинг қоғоз шаклини «amazon.com» орқали харид қилиб, бизга жўнатди.

Китобни ўқий бошлаганимизда шунча саёй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаганига амин бўлдик. 245 бетли китобнинг тахминан 50-60 вақрағи Ўзбекистонга бағишланган экан. Таъбир жоиз бўлса буни мамлакатимизнинг 1950-йиллардаги ҳолатига оид муҳтасар энциклопедия дейиш мумкин. Китобни ўқир эканмиз В. Дугласнинг АҚШ Олий судининг энг иқтидорли ва билимдон ҳаками деб ҳисобланиши ҳам бежиз эмаслигига амин бўлдик. У ўта зеҳдли, қузатувчанлик қобилияти кучли одам бўлган экан. Шу туфайли унинг ҳикоялари нақадар қизиқ, ҳаётга бошқача назарда қарашлари ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Жаноб Дуглас китобининг индаллосида СССРга боришга виза олиш учун 5 йил сабот билан ҳаракат қилганини ёзади. Уни америка жосуси деб ўйлаб узок вақт рад жавобини беришган. Ниҳоят, у 1955 йилда виза олишга муваффақ бўлади. Ундан фарқли ўларок, Роберт Кеннеди саёҳат ишкибози бўлмаган. Уни отаси, В. Дугласнинг дўсти Жозеф



*Пахта терими механизацияланмай қолган соҳалардан бири эди*

*Сбор хлопка одна из немногих процедур в хлопководстве, которая не была механизирована*

Кеннеди СССРга саёҳатга ундаган эди. У СССРни ўз кўзи билан кўриб, у билан танишиш бўлажак сиёсатчи ўғли учун фойдали бўлади деб ҳисоблар эди. Вильям ва Роберт Эронда учрашишади. Сўнг уларга Американинг Эрондаги элчихонаси ходими Фредерик Флотт ва Дугласнинг рафикаси Мерседес кўшилишади. Туристлар гуруҳи аввалига Озарбайжонга ташриф буюришади. Кейин паромда Каспий денгизи орқали Туркманистонга, у ердан Бухоро, Самарқанд ва Тошкентга келишади. Гуруҳ аъзолари Ўзбекистондан Қирғизистон, Қозоғистон ва Сибирга ташриф буюришади, сўнг Ленинград ва Москвага томоша қилиб АҚШга учиб кетишади.

Китобда Дугласнинг саёҳат давомида кўрган-кечирганлари бир бошдан ёзилмаган. Китоб

этилган. Унинг фикрича, бу кишлок хўжалик соҳасини юкори даражада механизациялаштириш имконини берувчи тўғри қабул қилинган қарор эди. Шунини таъкидлаш жоизки, колхозларнинг ночор аҳволи ва уларнинг керакли техникани сотиб ололмастлигини ҳисобга олиб давлат МТСларни тузган. МТСлар колхозлар билан шартнома тузиб, график асосида уларнинг ерларини ҳайдаш, ғалла ўриш, пахта йиғим-терими ва бошқа ишларини бажарар эди. Дуглас америкалик ўқувчи учун Ўзбекистоннинг майдони 146 минг квадрат миллга тенглигини айтиб, у, тахминан, Огайо штати кенглигида жойлашганлигини ёзади. Дуглас Тошкентда ўз ишининг билимдони, «новчадан келган озғин ўзбек, кишлок хўжалиги вазири» билан учрашади. У ўша пайтдаги Ўзбекистонда 265 та МТС бўлиб, уларда 24800 та ер ҳайдаш трактори, 30000 та культивация машинаси, 15000 та пахта териш машинаси ва 1375 та буғдой ўриш комбайнлари, 2100 та бульдозер ва 100000 та бошқа техника воситалари борлигини ёзган.

Китобда аҳолининг турмушига доир, четдан кутувчига ғайри оддий туюлган кизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган. У Ўзбекистонда бирорта ҳам хусусий сартарошхона йўқлигини, барча сартарошхоналар давлатники эканлиги ва у ердаги сартарошлар қанча иш бажарганликларидан қатъий назар, ўзгармас бир



*Ўзбек аёли – текстиль кооперативининг директори. Тошкент. 1955 й.*

*Женщина-узбечка – директор текстильного кооператива в Ташкенте. 1955г.*



*Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1858-1957й.) – ислом диний арбоби, дин тарғиботчиси, шайхул ислом. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг ташкилотчиларидан бири. Беш республиканинг биринчи муфтийси бўлган.*

*1943 йил июль ойида Эшон Бобохон Москвага чақирилади. У Кремлда И.В. Сталин билан учрашади. Сталин унга мусулмонлар Курултойини чақириб, Тошкентда Ўрта Осиё мусулмонлари идорасини ташкил этишини таклиф қилади. Иосиф Сталин Мусулмонлар идорасининг биринчи навбатдаги вазифаси немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилаётган курашда салмоқли ёрдам кўрсатишдан иборатлигини таъкидлаган. Мусулмон уламоларининг Курултойи 1943 йил 15-20 октябрь кунлари Эшон Бобохоннинг уйида бўлиб ўтган. Курултой ишида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондан 160 делегат қатнашган. Курултой Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган. Унинг раиси этиб, бир овоздан, шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайланган ва унга беш республиканинг муфтийи унвони берилган. Мусулмонлар идорасининг бошқаруви Эшон Бобохоннинг уйида жойлашди. Муфтий*

*Идора қошидаги кутубхонага ўзининг мингдан ортиқ китоблари ва қўлёзмаларини ҳадя этган.*

*Эшон Бобохон 1953 йилда тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига кўшган катта ҳиссаси учун ҳамда 95 ёшга тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг фармонида кўра, Меҳнат қизил байроқ ордени билан тақдирланган.*

*У 1957 йилда 99 ёшда вафот этган.*

хил маош олишларини қайд этган. Унинг сочини 5 сўмга олиб кўйишади. Бу ўша вақтдаги 1.25 курс билан 6.25 долларга тенг эди. У айнан шу хизматга маҳаллий аҳоли 40 цент тўлашини ҳам эслатиб ўтади.

Китобнинг «Музыка ва театр» бобида жаноб Уильям Дуглас бир дарахт тагида у учун уюштирилган бадий хаваскорлар концертини эслайди. Концертда болалар рус, украин ва ўзбек тилларида ашулалар айтиб, рақсларга тушишган. Унга айникса ўзига ёкиб қолган бир ўзбекча кўшиқ сўзларини ҳам келтиради:

*Мени битта жўжам бор.*

*Яқинда у товуқ бўлади.*

*Менга кўп жўжа тугиб беради.*

*Мен уларни боқиб катта қиламан.*

Олдинга биз бу машхур озарбайжонча «Чип, чип жўжаларим» кўшиғи бўлган бўлса керак деб ўйлаган эдик. Лекин Википедияда келтиришича, бу кўшиқ Дуглас келиб кетгандан тўрт йил кейин илк ижро этилган экан. Қизиқ, бу қайси кўшиқ бўлган экан? Дуглас ўшанда ўзбек болалари томонидан унга рус тилида ижро этиб берилган «Доккерлар» («Денгиз порти ишчиларининг») кўшиғи сўзларини ҳам келтиради. Афсуски бу кўшиқ ҳам ҳозирда унутиб юборилган.

Дуглас ўз китобида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон билан бўлган учрашувни батафсил ёритган. Ўша пайтда муфтий 97 ёшда бўлишига карамай, у тик турар ва уйининг дастурхон тузатилган иккинчи каватига бемалол бировнинг


ёрдамисиз кўтарилганини ёзади. Ўз-ўзидан аёнки, Дугласнинг илмоқли саволларига жавоблар ҳам «қолипли» бўлган. Дуглас учрашувдан аввал Тошкент масжидларидан бирида намоз пайтида бўлган эди. У муфтийдан: «Нега масжидда ёшлар йўқ?» (бу хол ҳам Дугласнинг қизиқувчан нигоҳидан четда қолмаган эди) – деб сўраганда, муфтий Бобохон шундай жавоб беради: «Давлат ёшларнинг масжидга боришини тақиқламайди, улар хоҳласалар масжидга боришлари мумкин». – деб жавоб беради. Аслида Дуглас Совет давлати ёшларни масжидга яқин йўлатмаслигини яхши билган. Лекин, муфтий бошқача жавоб беролмаслигини ҳам яхши тушунган.

Дуглас бу воқеани қуйидаги сўзлар билан яқунлайди: «Ниҳоят қабул ҳам тугади. Буюк муфтий менга ажойиб совға – рангдор ўзбек дўпписи ва бекасам тўн иъном қилди. Бу оғир атласдан йўллари кизил, мовий, оқ ва заррин рангларда тикилган йўл-йўл тўн менинг энг кадрли буюмларимдан бири бўлиб қолди. Мен ҳар сафар уни елкамга ташлаганимда, атеизм ҳукмрон бўлган мамлакатда бошини тик тутиб, мағрур яшаган ва ўз бурчини бажарган жасур Буюк Муфтийни эслайман».

Шухрат Эгамбердиев.

Бош муҳаррир.

*Р.С.: Фотосуратлар (алоҳида қайд этилмаган ҳолларда) В. Дугласнинг китобидан келтирилган. Барча изоҳлар муаллиф изоҳларининг таржумаси. Улардан муаллифнинг кўрганларини ҳолисона ёритиш нияти сезилиб турибди.*



## УЗБЕКИСТАН 1950-х ГЛАЗАМИ АМЕРИКАНСКОГО ЮРИСТА

Узбекистан всегда славился своими древними городами, архитектурными памятниками, прекрасными горными пейзажами и, конечно, замечательной кухней и сладкими фруктами. Именно поэтому в программу высокопоставленных персон, приезжающих с официальными визитами в СССР, наряду со столичными Москвой и Ленинградом, часто включали посещение Узбекистана.

Посещение Узбекистана было важно еще и для того, чтобы продемонстрировать, как «благополучно в братской семье народов» развивались национальные республики. По традиции, сложившейся в те годы, гостям демонстрировали «преимущества» социалистического способа производства в сельском хозяйстве. Их везли в зажиточные колхозы, где после посещения фруктовых садов и хлопковых полей угощали пловом и шашлыком. А на десерт подавали ароматные, сладкие как мёд дыни, виноград и арбузы. Застолье сопровождалось национальной музыкой и танцами артисток в национальных костюмах. Все это не могло не произвести самого благоприятного впечатления на гостей.

Одним из преуспевающих хозяйств, куда часто привозили гостей, был колхоз-миллионер «Шарк Юлдузи» («Звезда Востока»), расположенный в Янгиюле в 30 км от Ташкента. Вспоминается такая история. В 1956 г., когда Узбекистан досрочно выполнил план заготовки хлопка-сырца, многие руководители хозяйств, работники районного и областного масштабов были представлены к высоким наградам. К награде был представлен и председатель колхоза «Шарк Юлдузи» Хамрокул Турсункулов, в то время уже дважды

Герой Социалистического Труда. Однако из Москвы пришел категорический отказ, мол, еще не настало время открывать счет «трижды героям». Вскоре после этого в Узбекистан приехал Никита Сергеевич Хрущев – Первый секретарь ЦК КПСС, фактический глава страны. После торжественного собрания актива республики по поводу вручения Узбекистану второго ордена Ленина состоялся банкет, на котором кто-то сообщил Никите Сергеевичу об отказе. Он тут же позвонил в Москву и приказал немедленно подготовить указ о присвоении Х. Турсункулову звания трижды Героя. Об этом он торжественно под бурные аплодисменты объявил собравшимся на банкете.

За всю историю СССР звания трижды Героя Социалистического Труда были удостоены 16 человек, в основном, за создание и развитие атомной промышленности, ядерных вооружений, космической и авиационной техники. Среди них Х. Турсункулов был единственным сельскохозяйственным деятелем, трижды удостоенным этой высшей награды СССР.

На странице [www.mytashkent.uz](http://www.mytashkent.uz) в Интернете я увидел фотографию праздничного застолья в колхозе «Шарк Юлдузи», датированную 1955 годом. В середине стола (справа в тубетейке) сидит хозяин застолья – Хамрокул Турсункулов. А симпатичный улыбающийся парень на переднем плане – это Роберт Кеннеди, тогда еще никому не известный сотрудник Министерства юстиции США. Напротив него за столом сидели люди европейской наружности, тоже, видимо, американцы. Никакой информации о том, кто эти люди и как они попали в Янгиюль, не было. Меня эта фотография очень заинтересовала, и

я решил попытаться выяснить подробности этого визита.

Прежде всего, несколько слов о малоизвестном для современной молодежи американском политическом деятеле Роберте Кеннеди. В 1961 г. он принял самое активное участие в предвыборной компании своего старшего брата Джона Кеннеди. По мнению американских историков, именно Роберт сыграл важную роль в успехе своего брата. После избрания на пост Президента Джон назначил Роберта Генеральным прокурором (министром юстиции) США. Но правление Джона Кеннеди (1961-1963) было недолгим: он погиб в результате покушения в Даласе. После этой трагедии Роберт решил уйти из политики, но передумал.

В 1964 г. он избирается сенатором от штата Нью-Йорк, а в 1968 г. баллотируется в президенты США. Трагическая гибель брата изменила политические убеждения Роберта Кеннеди. В своих предвыборных речах он выступал за свободу слова, демократию, права человека, искоренение бедности, равные права на образование и здравоохранение для малоимущих. Не скрывая ответственности брата за развязывание войны во Вьетнаме, он стоял на антивоенной платформе. Одним из наиболее значимых направлений его политической деятельности была актуальнейшая даже в наше время борьба за равные права для афроамериканцев в США. Он был одним из самых популярных и наиболее вероятных кандидатов в президенты США этой избирательной кампании. К глубокому сожалению, во время встречи с избирателями в Калифорнии 4 июня 1968 г. Роберт Кеннеди был смертельно ранен и через несколько часов скончался в госпитале Доброго Самаритянина.

Но вернемся к визиту американцев. Инициатором этого визита в Советский Союз был не Роберт Кеннеди. Еще одна легендарная личность, запечатленная на фотографии, — это Уильям Орвилл Дуглас (1898-1980), американский юрист и политик. Он остался в истории как член Верховного суда США, дольше всех проработавший в этой должности. Он входил в состав главных судей страны на протяжении более чем 36 лет — с 1939 по 1975 г. У. Дуглас сделал очень много для обеспечения верховенства закона в своей стране. Принимая его отставку, вызванную ухудшением здоровья из-за перенесенного инсульта, тогдашний президент США Джеральд Форд отмечал, что, несмотря на существование разногласий с властью, он высоко ценит усилия У. Дугласа по установлению правосудия в стране.



*“Шарқ Юлдузи” колхозида зиёфат. 1955 йил. Олдинда чапда Роберт Кеннеди. Фотосурат [www.mytashkent.uz](http://www.mytashkent.uz) сайтидан олинган*

*Банкет в колхозе “Шарқ Юлдузи”. На переднем плане слева Роберт Кеннеди. Фото заимствовано с сайта [www.mytashkent.uz](http://www.mytashkent.uz)*



*Роберт Кеннеди ва Вильям Дуглас. 1955 й.*

Помимо своей работы, У. Дуглас был страстным путешественником. Он объездил многие экзотические страны, побывал даже на Гималаях. Самое интересное, что он после каждой поездки писал книги на основе своих путевых впечатлений. И после поездки в СССР он также написал и опубликовал в 1956 г. книгу «Путешествие по России» («Russian journey»). Как ни странно, несмотря на давность, найти эту книгу в свободном доступе в Интернете не удалось. Мы обратились к нашему давнему другу и коллеге, профессору Стэнфордского университета Александру Косовичеву. Но и он смог сделать только скриншот текста с экрана компьютера. Однако фотографий в



*Тошкентдаги дехқон бозори жуда катта бўлиб, яхши ташкил қилинган*

*Дехканский рынок в Ташкенте очень большой и хорошо организован*

Интернет-версии книги не оказалось. Получалась какая-то детективная история. Наконец, наш коллега Шукур Халиков, в настоящее время являющийся сотрудником Национальных солнечных обсерваторий США и проживающий в Денвере, заказал бумажную версию книги через «amazon.com». Когда мы начали читать эту книгу, то стало ясно, что игра стоила свеч и весь этот поиск был не напрасен: из 245 страниц текста Дуглас почти 60 страниц посвятил Узбекистану. Его проникательный взгляд позволил ему с оригинальных позиций увидеть и подробно описать многие вещи. Не случайно Дугласа считают самым талантливым и знающим юристом, когда-либо работавшим в Верховном суде США. Его книга является своеобразной малой энциклопедией Узбекистана 1950-х годов.

В самом начале книги Дуглас пишет, как он на протяжении пяти лет упорно добивался визы для посещения СССР. Его считали американским шпионом и долго отказывали в разрешении на поездку. Наконец, в 1955 г. ему все-таки дали визу. В отличие от него Роберт Кеннеди не был любителем путешествий. На его поездке в СССР настоял его отец Джозеф Кеннеди, который был другом У. Дугласа. Он считал, что непосредственное ознакомление с жизнью в СССР – давним соперником США пойдет на пользу его сыну – будущему политику. Уильям и Роберт встретились в Иране. К ним присоединился Фредерик Флотт (Frederick W. Flott), а затем жена Дугласа – Мерседес. Сначала группа туристов посетила Азербайджан, затем переправилась на пароходе через Каспийское море в Туркмению, а оттуда уже в Бухару, Самарканд и Ташкент. Из Узбекистана группа переправилась в Киргизию, Казахстан, Сибирь, а затем, посетив Ленинград и Москву, улетела в США.

Интересно, что книга Дугласа – это не последовательное описание увиденного во время его

путешествия. Она состоит из глав, посвященных различным сферам жизни и деятельности СССР, таким как сельское хозяйство, театр и музыка, религия и государственное устройство. В Ташкенте Дуглас встретил делегацию американских сельскохозяйственных деятелей, которую возглавлял профессор университета Небраска Дин Уильям Ламберт. Возможно он один из тех, кто запечатлен на фотографии в Янгиюле. Профессор Ламберт разъяснил ему структуру и организацию сельскохозяйственного производства в СССР. Оказывается, в то время в СССР действовали 90 тысяч колхозов, которые обслуживали 9 тысяч машинно-тракторных станций (МТС). Дуглас писал, что это было правильное решение, обеспечившее высокий уровень механизации сельскохозяйственного

производства. Поясним, что в условиях бедности колхозов и их неспособности приобретать всю необходимую им технику, государство создало МТС, которые на договорной основе с колхозами по графику осуществляли вспашку, жатву, сбор хлопка и т. д. Для американского читателя он поясняет, что площадь Узбекистана составляет около 146 тысяч квадратных миль, и расположен он примерно на широте штата Огайо. В Ташкенте он встретился с министром сельского хозяйства Узбекистана – «высоким, худошавым узбеком, который был профессионалом в своем деле». Подробно рассказав Дугласу о сельскохозяйственной отрасли Узбекистана, он даже привел точные статистические сведения о том, что в тогдашнем Узбекистане было 265 МТС, оснащенных 24800 пахотными тракторами, 30 тысячами культиваторных машин, 15 тысячами хлопкоуборочными и 1375 зерноуборочными комбайнами, 2100 бульдозерами и 100 тысячами единиц другой техники.

В книге Дугласа приводятся интересные сведения, касающиеся быта населения, которые воспринимались весьма необычно с точки зрения зарубежного наблюдателя. Он писал, что в Узбекистане нет ни одного частного парикмахера, все они работают в государственных парикмахерских, и получают фиксированную зарплату, не зависящую от количества выполняемой работы. Его постригли за 5 рублей, что, по его словам, по курсу 1,25 соответствовало 6,25 доллара. При этом он отмечал, что за эту же стрижку местный житель платит 40 центов.

В главе, посвященной музыке и театру, Дуглас описывает концерт, который на деревянной сцене прямо под открытым небом дали для него дети из ансамбля художественной самодеятельности. Они пели узбекские, украинские и русские песни. Ему особо запомнилась одна ритмичная узбекская песня, слова которой он приводит:



*Эшон Бабахан ибн Абдулмажидхан (1858-1957) – исламский религиозный деятель, учёный-богослов и правовед, шейх-уль-ислам. Один из основателей и первый председатель Духовного управления мусульман Средней Азии и Казахстана (САДУМ). Первый муфтий пяти республик.*

*В июле 1943 г. Эшон Бабахан был вызван в Москву. В Кремле состоялась его встреча с И. В. Сталиным, который предложил Эшону Бабахану собрать Курултай мусульман и образовать Духовное управление в Ташкенте. Иосиф Сталин акцентировал внимание на том, что первоочередной задачей мусульманского сообщества должна была стать реаль-*

*ная помощь с его стороны в борьбе с немецко-фашистскими захватчиками. Первый Курултай мусульманских улемов проходил 15-20 октября 1943 г. в Ташкенте в доме Эшона Бабахана. На нём присутствовали 160 делегатов из республик Средней Азии и Казахстана. Курултай принял решение о создании Духовного управления мусульман Средней Азии и Казахстана. Его председателем единогласно был избран шейх Эшон Бабахан ибн Абдулмажидхан. Одновременно ему был присвоен сан муфтия пяти республик. Правление САДУМа разместилось в доме Эшона Бабахана. Муфтий также передал созданной при правлении САДУМ библиотеке более тысячи книг и рукописей из своего собрания.*

*За вклад в укрепление мира и дружбы между народами и в связи с 95-летием со дня рождения в 1953 г. указом Президиума Верховного Совета СССР Эшон Бабахан был награждён орденом Трудового Красного Знамени.*

*Он скончался в 1957 г. в возрасте 99 лет.*

*У меня есть цыпленок.  
Скоро он станет курицей.  
Она родит мне много цыплят.  
Я буду кормить и растить их.*

Вначале мы подумали, что это была популярная в те годы азербайджанская песня «Чип, чип жужаларим». Однако из Интернета мы узнали, что эта песня была впервые исполнена в 1959 г., т.е. спустя 4 года после визита американцев. Интересно, какая же это была песня, понравившаяся Дугласу? Ему посчастливилось побывать и в Государственном академическом театре имени Алишера Навои. Он подробно описал здание театра и декор холлов. Особенно ему понравились арочные колонны, украшающие фасад здания. Он написал: «Нигде в мире я не видел более красивых арок». Он посмотрел балет «Фархад и Ширин», поставленный по одноименной поэме Навои, и отметил, что профессионализм исполнителей был столь высоким, что этот оркестр может с успехом выступить в любом концертном зале мира.

Дуглас очень подробно описал встречу с председателем Духовного управления мусульман Средней Азии и Казахстана Эшон Бабахан ибн Абдулмажидханом (он его называет Бабахан). Несмотря на то, что в тот момент последнему было 97 лет, он держался прямо и без посторонней помощи поднялся на второй этаж своего дома, где был накрыт стол. Разумеется, ответы на все «каверзные» вопросы Дугласа были политически вымуштрованными и трафаретными.

Так, Дуглас, побывавший перед этим на молитве в одной из мечетей Ташкента, спросил: «Почему в мечети были одни лишь старики, и совсем не было молодежи (от пытливого взора Дугласа не ускользнуло и это обстоятельство)? Всем было ясно, что советская власть не допускала молодежь к религии, но муфтий Бабахан ответил: «Государство не запрещает молодежи посещать мечети. Они могут посещать мечети, если захотят».

Этот эпизод из своих путешествий Дуглас закончил следующими словами: «Наконец, когда прием был закончен, Великий Муфтий подарил мне прекрасный подарок – ярко окрашенную узбекскую шляпу в форме тюбетейки и халат в полный рост. Этот халат – один из самых дорогих мне подарков – сделан из тяжелого атласа с продольными полосами шириной два дюйма красного, синего, белого и золотого цветов. Каждый раз, когда я его надеваю, я вспоминаю сильного Великого Муфтия, который, хотя и был связан в своих речах, жил и делал свое дело с высоко поднятой головой в этой атеистической стране».

**Шухрат Эгамбердиев.**  
Главный редактор «Фан ва турмуш».

*P.S. Рисунки (там, где отдельно не указано) заимствованы из книги У. Дугласа. Все подписи – перевод подписей автора книги. Они отличаются объективностью и написаны в доброжелательной манере.*



ЮЛДАШЕВ Бехзод (раис)  
АБДУЛЛАЕВ Мехриддин  
АБДУРАҲМОНОВ Иброҳим  
ҒУЛОМОВ Мирзақодир  
МАРАХИМОВ Авазжон

МИРЗАЕВ Сирождиддин  
НУРМУРАТОВ Мамаризо  
САГДУЛЛАЕВ Шомансур  
САНАҚУЛОВ Қувондик  
СУЛТАНОВ Алишер

ТУРОБЖОНОВ Садриддин  
УМУРЗАКОВ Ўқтам  
ХУРСАНОВ Абдулла  
ЭГАМБЕРДИЕВ Шухрат

Тахририят Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 19 июлида «ЎЗР Фанлар академиясининг «Фан ва турмуш» журнали фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 518-сонли Қарори эълон қилинганини ва бу Қарор журнал фаолиятини тубдан яхшилашга кенг имкон яратганини мамнуният билан хабар қилади.

**Главный редактор**

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ

**Ответственный секретарь**

Сафарали Турсункулов

**Редколлегия:**

*Шухрат Эгамбердиев, Кодир Гулямов, Ренат Гайсин, Собит Ильясов, Борис Оксенгендлер, Қудратилло Юлдашев, Хусниддин Нурмухаммедов, Нуржамал Бердалиева, Нина Карачик, Каромат Миртаджиева, Игорь Ибрагимов, Антуанетта Михерёва, Сафарали Турсункулов, Хайдарали Арипов.*

**Учредитель:** Академия наук Республики Узбекистан.

Журнал выходит 4 раза в год на узбекском и русском языках. Журнал зарегистрирован в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан 6 декабря 2006 г. Регистрационное свидетельство № 0022.

© При перепечатке материалов ссылка на журнал обязательна. Ответственность за достоверность фактов, изложенных в публикуемых материалах и рекламах, несут их авторы. Мнение редакции не всегда совпадает с мнением авторов. Рукописи авторам не возвращаются.

**Наш адрес:** 100047, Ташкент, ГСП,

ул. академика Яхё Гулямова, 70.

Тел.: 71 233-50-33; 71 233-07-05; Факс: 71 234-48-67.

E-mail: [shuhrat@astrin.uz](mailto:shuhrat@astrin.uz); [fvat@academy.uz](mailto:fvat@academy.uz).

Сайт журнала: [www.fvat.uz](http://www.fvat.uz)

Печать журнала осуществила типография

ЧП «Print Line Group».

Адрес типографии: г. Ташкент, Чиланзарский р-н, проспект Бунёдор, 44.

Тел.: 71 276-37-00.

Подписано в печать 17.07.2020 г. Заказ № 192.

«Фан ва турмуш» № 1-2 (588-589), 2020 г.

Размер бумаги: 60×84 1/8. Объем: 9 п.л. Тираж: 3000 экз.

**Бош мухаррир**

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ

**Масъул котиб**

Сафарали Турсункулов

**Тахририят:**

*Шухрат Эгамбердиев, Кодир Гуломов, Ренат Гайсин, Собит Илёсов, Борис Оксенгендлер, Қудратилло Йўлдошев, Хусниддин Нурмухаммедов, Нуржамол Бердалиева, Нина Карачик, Каромат Миртожиева, Игорь Ибрагимов, Антуанетта Михерёва, Сафарали Турсункулов, Хайдарали Арипов.*

Журнал муассиси – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Журнал бир йилда 4 марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтган. Рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома № 0022.

© Материаллар кўчириб босилганда

«Фан ва турмуш»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Журналда босилган материал ва рекламалардаги далилларнинг аниқлиги муаллифлар масъул. Тахририят фикри ҳар вақт ҳам муаллифлар фикрига мос келвермаслиги мумкин. Юборилган қўлёзмалар қайтарилмайди.

**Манзилимиз:** 100047. Тошкент, ГСП,

Академик Яхё Гуломов кўчаси, 70

Тел.: 71 233-50-33; 71 233-07-05; Факс: 71 234-48-67.

E-mail: [shuhrat@astrin.uz](mailto:shuhrat@astrin.uz); [fvat@academy.uz](mailto:fvat@academy.uz)

Журнал сайти: [www.fvat.uz](http://www.fvat.uz)

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳ кўчаси 44-уй.

Тел.: 71 276-37-00

Босишга 2020 йил 17 июлда рухсат этилди.

Буюртма № 192.

«Фан ва турмуш» № 1-2 (588-589)-2020 й.

Қоғоз бичими 60×84, 1/8. Ҳажми: 9 б.т. Адади: 3000 нусха.



© «Фан ва турмуш»

Тахририят Зухраҳон Ибрагимова, Рустам Хусанов, Александр Косовичев, Шукиржон Ҳоликов ва Алена Михереваларга айрим материаллар билан тамилланганликлари ва журнални ушбу сонини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатганликлари учун самимий миннатдорчилигини билдиради.


Журналга исталган алоқа бўлимида обуна агентликлари ёки [pochta.uz](http://pochta.uz) web-саҳифаси орқали обуна бўлишингиз мумкин. Индекс: 899

На журнал можно подписаться в любом почтовом отделении через представительства подписных агентств или оформить подписку онлайн по адресу: <http://www.pochta.uz/subscribe/>





Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти таркибида “Ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази” таъкил этилди. Марказда монокристал рентген дифрактометри, ТГ-ДСК дериватограф ускунаси, суюқлик хроматографи/масс-спектрометри, ИК-Фурье спектрометри каби етакчи хорижий фирмаларнинг асбоб ускуналари мужассамланган бўлиб, улар табиий манбалардан ажратиб олинган ва кимёвий усулда синтез қилинган бирикмаларнинг таркибини, тузилишини, физик-кимёвий хоссаларини катта аниқликда ўрганиш имконини беради.



При Институте биоорганической химии Академии наук РУз создан Центр коллективного использования измерительного оборудования. Центр оснащен монокристалльным рентгеновским дифрактометром, ТГ-ДСК дериватографом, жидкостным хроматографом/масс-спектрометром, ИК-Фурье спектрометром и другим оборудованием ведущих зарубежных фирм и позволяет исследовать состав, структуру, физико-химические и другие свойства соединений, выделенных из природных источников и синтезированных химическими методами.





*2020 йилнинг 12 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган ЎзР Фанлар академияси В.И. Романовский номидаги Математика институти янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти маросимни очар экан, математика кўп фанларнинг асоси бўлганлиги учун бу институт таълим ва илм-фан ўртасида узвийликни таъминлаши, мамлакатимиз ривожига замин яратиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.*

*12 июня 2020 года состоялась церемония открытия нового здания Института математики им. В.И. Романовского Академии наук РУз, построенного по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева. Открывая торжественную церемонию, Президент Узбекистана отметил, что математика служит основой для многих наук, и поэтому повышение качества математического образования и развитие научных исследований в этой области являются нашей приоритетной задачей.*

